Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

Корхоналарнинг банкротлиги тўғрисидаги қонунчиликни амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида

Ўзбекистон Республикасининг «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунини амалга ошириш учун ташкилий-ҳуқуқий ва иқтисодий шарт-шароитларни таъминлаш, корхоналар банкротлигининг олдини олишга, иқтисодий ночор корхоналарга нисбатан банкротлик ва санациялаш (давлат ҳисобидан ёрдам бериш) тўғрисидаги ишлар бўйича ишлаб чиқариш тадбирларини амалга оширишга қаратилган чора-тадбирларни мувофиқлаштириш, шунингдек, кредиторлар ҳамда акциядорларнинг манфаатлари ва мулкий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида:

1. Корхоналар банкротлиги ва санацияси масалалари бўйича ҳукумат комиссиясининг таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ҳукумат комиссияси зиммасига қўйидаги вазифалар юклансин:

корхоналарнинг молиявий аҳволини мустаҳкамлашга ва улар банкрот бўлишининг олдини олишга қаратилган давлат сиёсатини ўтказиш;

мол-мулкида давлат мулкининг улуши бўлган иқтисодий ночор хўжалик юритувчи субъектлар бўйича қарорлар қабул қилиб, банкротлик тўғрисидаги ёки санациялаш ҳақидаги ишларни хўжалик судларининг кўриб чиқиши учун киритиш;

банкротликка олиб келган ғайриқонуний хатти-ҳаракатларни содир этган шахсларнинг жавобгарлигини кўриб чиқиш ва шунга оид қарорлар қабул қилиш;

қарздор корхонага нисбатан санацияни ўтказишнинг асосий принциплари ва тартибини, вакил қилинган органлар ва ташкилотларнинг уни ўтказишда қатнашиш шартларини тасдиқлаш;

корхоналарни санациялашга йўналтириладиган маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланилиши устидан назоратни амалга ошириш;

қарздор корхонани ихтиёрий равишда тугатиш тўғрисидаги қарорларни қабул қилиш ҳамда қарздор корхона раҳбариятининг ихтиёрий равишда тугатиш тўғрисидаги қарорини тасдиқлаш;

банкрот бўлган хўжалик юритувчи субъектларни тугатиш режаларини ва тугатиш жараёни ниҳоясига етказилгани тўғрисидаги ҳисоботларни тасдиқлаш;

банкрот деб топилган корхонани санациялаш ёки тугатиш тўғрисидаги хўжалик суди қарорларининг ижросини назорат қилиш.

3. Ўзбекистон Республикасининг Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ҳузурида иқтисодий ночор корхоналар тўғрисидаги ишлар бўйича қўмита (бундан буён — қўмита) ташкил қилинсин.

4. Белгилаб қўйилсинки, қўмита:

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг давлат бошқарув органи ҳуқуқларига эга бўлган мустақил таркибий бўлинмаси ҳисобланади ва ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳисобот беради;

банкротлик ва санация масалалари бўйича ҳукумат комиссиясининг ишчи органи бўлиб хизмат қилади;

мол-мулкида давлат мулкининг улуши бўлган иқтисодий ночор хўжалик юритувчи субъектлар тўғрисидаги масалаларни ҳал этиш чоғида давлат манфаатларини ифода этади;

барча мулкчилик шаклидаги иқтисодий ночор корхоналарни тугатиш ёки санациялаш жараёнида кредиторларнинг манфаатлари ва акциядорлар (пайчилар)нинг мулкий ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлайди.

5. Қуйидагилар қўмита фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари этиб бегилансин;

корхоналар ва ташкилотлар молия-хўжалик ҳолатининг мониторинги, улар фаолиятининг молиявий натижаларини таҳлил қилиш ҳамда иқтисодий ночор хўжалик юритувчи субъектлар бўйича таклифлар тайёрлаш;

Ўзбекистон Республикасининг «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунини қўлланишдан келиб чиқадиган жараёнларни амалга ошириш мақсадида меъёрий ва услубий базани яратиш борасидаги ишларни ташкил қилиш;

иқтисодий ночор хўжалик юритиш субъектини банкрот деб топиш ҳақида ёки қарздор корхонани санациялаш тўғрисида илтимосномаларни, банкротликнинг ташқи белгиларига эга бўлган корхоналарни қайтадан ташкил этиш ва тугатиш механизми бўйича таклифларни банкротлик ва санация масалалари бўйича ҳукумат комиссиясига киритиш;

хўжалик судининг қарорларига мувофиқ иқтисодий ночор корхоналарни санациялаш ёки тугатиш жараёнини ташкил этиш, кредиторларнинг банкрот корхонага нисбатан даъволари қондирилишига кўмаклашиш, тугатиш ҳамда санациялаш жараёнида акциядорлар (пайчилар)нинг мулкий ҳуқуқлари ва манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш;

иқтисодий ночор корхонани қайта ташкил этиш даврида банкротлик ва санация масалалари бўйича ҳукумат комиссиясининг қарорига биноан шу корхона мулкини бошқаришга вакил қилинган орган вазифаларини бажариш;

банкрот корхонанинг мол-мулкини кимошди савдолари орқали сотиш борасидаги ишларни ташкил этиш;

иқтисодий ночор корхоналар, уларнинг қарз миқдорлари ҳамда йиғилиб қолган қарзларининг турлари бўйича маълумотлар базасини яратиш;

ночор қарздорнинг мулкини рўйхатга олиш ва қийматини баҳолаш ҳамда унинг кредиторлар олдидаги, бюджетга ва бюджетдан ташқари жамғармаларга тўловлари бўйича мажбуриятларини рўйхатдан ўтказиб баҳолаш борасидаги ишларни ташкил қилиш;

банкротлик хавфини бартараф этишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда хўжалик юритувчи субъектларга шартнома асосида ёрдам кўрсатиш.

6. Қўмитага қуйидаги ҳуқуқлар берилсин:

иқтисодий ночор корхоналарни қайта ташкил этиш дастурларини тузишда хўжалик суди томонидан банкрот деб топилган ночор қарздор корхоналарни тугатишда иштирок этиш;

тугатиш жараёнида ишончли шахс сифатида қатнашиб, банкрот бўлган хўжалик юритувчи субъектни тугатиш бўйича тугатувчи комиссияларни ташкил қилиш;

тўлов қобилиятини йўқотган корхоналарни санациялаш ва банкрот бўлган хўжалик юритувчи субъектларни тугатиш учун ажратилган маблағларни тасарруф этиш;

ўз ваколати доирасида ижро этиш учун мажбурий бўлган қарорлар ва норматив ҳужжатлар чиқариш;

белгиланган тартибда марказий, иқтисодий органлардан, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органларидан мулкчилик шаклларидан қатъий назар, тижорат банклари, корхоналар ва ташкилотлардан ўз зиммасига юкланган вазифаларни бажариш учун зарур бўлган ахборотни олиш;

экспертизаларни ўтказиш, ночор қарздорларни тугатиш ёки корхоналарни санациялаш режаларини ишлаб чиқиш учун белгиланган тартибда вазирликлар, идоралар, корхоналар ва ташкилотларнинг, аудиторлик фирмаларининг мутахассисларини жалб этиш.

7. Қўмита қўзғатилган даъволар бўйича хўжалик судларининг кўриб чиқиши учун киритиладиган ишлар бўйича бож тўлашдан озод қилинсин.

8. Қўмита ҳузурида корхоналарни санациялаш жамғармаси тузилиб, унинг манбалари қуйидагилардан иборат қилиб белгилансин;

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси билан Меҳнат вазирлиги тенг улушларда бир йўла қўшадиган юз миллион сўм;

давлат мулки объектларини хусусийлаштиришдан тушадиган ва Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ихтиёрида қоладиган улушнинг 5 фоизи миқдоридаги маблағлар;

Ўзбекистон Республикаси резидентлари ва норезидентлари, халқаро иқтисодий ва молиявий ташкилотлар шартнома асосида ихтиёрий равишда қўшадиган маблағлар;

корхоналарнинг давлатга тегишли мулкидаги улуши бўйича қўшилган ва бошқа мақсадларда фойдаланилган дивидендлар.

9. «Ўзистиқболстат» давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, тижорат банклари қўмитанинг таклифларига мувофиқ унга қарздор корхоналарнинг иқтисодий ночорлиги тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш чоғида зарур бўладиган ана шундай қарздорлар тўғрисидаги ахборот тақдим этилишини таъминласинлар.

10. Ўзбекистон Республикасининг Адлия вазирлиги тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддат ичида:

корхоналарни банкротликкаолиб келган корхона раҳбарларининг маъмурий-жиноий жавобгарлигини ошириш тўғрисидаги;

ҳозир амалда бўлган қонун ҳужжатларини ушбу Фармонга мувофиқ ҳолга келтириш ҳақидаги таклифларни киритсин.

11. Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда мазкур Фармонни рўёбга чиқариш юзасидан қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1996 йил 11 ноябрь.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1996 йил 12 декабрь, пайшанба № 158 (22.079).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

БОЛАЛИ ОИЛАЛАРНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Болали оилаларга ижтимоий ёрдам аниқ берилишини кучайтириш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш борасидаги чора-тадбирларни рўёбга чиқаришда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари роли ва масъулиятини ошириш мақсадида:

1. 16 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақаларни шундай нафақага муҳтож оилаларгагина бериш ва ани фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан тўлаш тўғрисида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари (шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар, маҳаллалар фуқаролар йиғинлари)нинг таклифлари қабул қилинсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, 1997 йилнинг 1 январидан бошлаб болали оилаларга нафақалар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари — шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар, маҳаллалар фуқароларининг йиғинлари томонидан тайинланади ҳамда оилаларнинг шундай нафақага муҳтожлиги ҳисобга олинган ҳолда энг оз иш ҳақининг қуйидаги миқдорларида тўланади:

бир нафар болали оилаларга — 50 фоиз;

икки нафар болали оилаларга — 100 фоиз;

уч нафар болали оилаларга — 140 фоиз;

тўрт нафар ва ундан кўпроқ болали оилаларга — 175 фоиз.

Болали оилаларга нафақа бериш тўғрисидаги қарорни қабул қилиш чоғида ижтимоий адолат тамойилларига оғишмай риоя этиш, кенг ошкоралик ва очиқликни таъминлаш, ажратилган маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланишга эришиш мажбурий шартлар деб ҳисоблансин.

3. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш барча органларида юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган махсус жамғармалар ташкил қилинсин, уларнинг маблағлари болали муҳтож оилаларга нафақа тўлаш учун сарфлансин.

Шу мақсадда:

Ўзбекистон Республикасининг Халқ банки 1996 йилнинг 31 декабрига қадар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига юридик шахс ҳуқуқи билан «Болалар нафақалари» махсус ҳисоб варақлари (илова ҳисоб варақлари)ни очсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 1997 йилги бюджетни белгилаш чоғида ушбу нафақага муҳтож оилаларнинг ҳақиқий эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда болали оилаларга нафақалар тўлаш учун зарур маблағларни кўзда тутсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, вазирликлар, идоралар, уюшмалар, концернлар, корпорациялар, корхоналар ва ташкилотлар, хайрия жамғармалари ҳамда тадбиркорлик тузилмалари мавжуд имкониятларга мувофиқ ўз маблағлари ҳисобидан болали оилаларга ҳар томонлама қўшимча ижтимоий ёрдам берсинлар.

5. Вазирлар Маҳкамаси ўн кун муддатда мазкур Фармонни амалга ошириш юзасидан қарор қабул қилиб, унда 16 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби ўрнатилишини кўзда тутсин.

6. Оммавий ахборот воситалари болали оилаларга нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида тушунтириш ишларини фаол суратда олиб борсинлар, аҳолининг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш борасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти тўғрисида жамоатчиликни кенг кўламда хабардор қилиб турсинлар.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 4 мартдаги ПФ-1383-сон Фармони 1997 йилнинг 1 январидан ўз кучини йўқотган, деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1996 йил 10 декабрь.

ИНСОН МАНФААТЛАРИНИ КЎЗЛАЙДИ

Мамлакатимиз Президентининг «Болали оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш тўғрисида»ги Фармонида болали оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш билан бирга фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари роли ва масъулиятини ҳар қачонгидан ошириш кўзда тутилган. Илгари кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам бериш ўзини ўзи бошқариш органлари ихтиёрида эди. Бу ишларни янада такомиллаштириш ва кенгайтириш мақсадида янги йилдан бошлаб шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар, маҳаллалар каби ўзини ўзи бошқариш органи томонидан болалик оилаларга нафақалар тайинланади. Гап шундаки, фуқаролар кенгаши ёки маҳалла оқсоқолларининг йиғилишида болалик оилаларга ёрдам кўрсатиш масаласи ошкора ҳал этилади. Яна бир жиҳати: илгари 40, 80, 120, 150 фоиз миқдорида нафақалар белгиланган бўлса, эндиликда бу миқдор 50, 100, 140 ва 175 фоизгача етади. Ўтиш даврининг беш тамойилларидан бири аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ҳисобланади. Мазкур Фармон моҳияти ижтимоий ҳимоялаш сиёсатининг ёрқин намунасидир. Эндиликда болаларнинг нафақалари бошқа мақсадларга ишлатилмаслигига тўла кафолат яратилади.

Махсус жамғармалар биринчи навбатда давлат бюджети ҳисобидан, шунингдек, жойлардаги корхона, ташкилот ва хўжаликларнинг кўмаги асосида ҳамда ишбилармонларнинг ёрдамидан тўлдириб борилади. Ҳар бир фуқаролар йиғинининг ўз ҳисоб рақами бор. Шу ҳисоб рақамининг тўплам ости ҳисобига пул тушади. У бошқа мақсадларга ишлатилиши қатъиян ман этилади. Бу ҳам моддий манфаатдорликни ошириш ва маблағлардан мақсадли фойдаланиш имконини яратади. Фармонда демократия принципларига амал қилинганлиги ва ошкораликнинг кучайтирилиши акс этган. Шуни айтиш керакки, болалик оилаларга нафақаларни ўзини ўзи бошқариш органлари орқали бериш механизми қатор мамлакатларда йўқ. Бу Ўзбекистон ўз йўлини аниқ танлаб олгани ва ундан дадил бораётганлигидан далолатдир.

Хуллас, ушбу Фармон Президентимизнинг 1997 йил — инсон манфаатлари йили бўлади, деган гапларига тўла ҳамоҳангдир.

ЎЗБЕКЧИЛИК

1

«Орамизда яна қайтадан мусулмончилик, халқимиз соддагина қилиб, «ўзбекчилик» деб атайдиган меҳру оқибат, ўзаро чидам ва ҳурмат, ўзгаларнинг дардига ҳамдард бўлиш каби олижаноб фазилатлар қарор топяпти. Бу улуғ ақидалар қалбимиз тўридан тобора кўпроқ жой олаётгани катта аҳамиятга эга».

«Ўзбек зоти борки, ўтирган жойини совутгиси келмайди. ... Бу тупроқдан ҳеч ким ўз ихтиёри билан бош олиб кетган эмас!»

Юртбошимизнинг турли йилларда ва турли йиғинларда айтган, халқимизнинг маънавий қиёфасини белгиловчи, юракда фахр-ифтихор ва буюк халққа мансублик ҳиссини уйғотувчи бу ёруғ сўзларини кўпдан буён ён дафтаримга қайд этиб, қайта-қайта кўнглимдан кечириб келаман. Ушбу сонда эълон қилинаётган «Ўзбекчилик» китобидан олинган лавҳалар ана шу йўлдаги изланишларимнинг маҳсулидир.

Муаллиф.

(2-БЕТГА ҚАРАНГ).

НУРОНИЙ ОТАХОНЛАР САФАРИ

Пойтахтнинг Чилонзор туманидаги «Чарх-комолон» маҳалласида савобли ишга қўл урилди. 25 нафар нуроний отахоннинг қадимий Самарқандга сафари уюштирилди. Улар Шоҳизинда, Ҳожа Аҳрор Вали, Маҳдуми Аъзам, Бибихоним, Хўжа Зулмурод мачитларини зиёрат қилдилар. Регистон майдони, Улуғбек расадхонаси, Сохибқирон қадамжолари кексаларда унутилмас таассурот қолдирди. Саёҳатчиларга Чилонзор туман ҳокимлиги, «Чарм» корпорациясининг Самарқанд вилоятлараро савдо-тайёрлов бирлашмаси хомийлик қилди.

Абдураҳмон ЗИЁТОВ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 1996 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАГИ ФАРМОНИГА ИЛОВА

КОРХОНАЛАР БАНКРОТЛИГИ ВА САНАЦИЯСИ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА ҲУКУМАТ КОМИССИЯСИНИНГ ТАРКИБИ

Султонов Ў. Т. — Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, комиссия раиси

Ҳамидов Б. С. — Бош вазир ўринбосари, молия вазири, комиссия раисининг ўринбосари

Чжен В. А. — Бош вазир ўринбосари, Давлат мулки қўмитасининг раиси, комиссия раиси ўринбосари

Муллажонов Ф. М. — Марказий банк раиси, комиссия раиси ўринбосари

КОМИССИЯ АЪЗОЛАРИ:

Обидов О. О. — меҳнат вазири

Абдусаломов М. Э. — Олий хўжалик суди раиси

Азимов Р. С. — ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки бошқаруви раиси

Аҳадов А. —Олий Мажлис қўмитасининг раиси (келишув бўйича)

Гатаулин Ш. Қ. — Давлат солиқ қўмитаси раиси

Гиниятулин Р. А.— «Ўзистиқболстат» давлат қўмитаси раиси

Мирсафоев С.М. — адлия вазири

Мустафоев Б. М. — Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори

Музаффаров Ў. Ш. — «Мевасабзавотбанк» бошқаруви раиси

Сайфиддинов Ж. Б. — «Пахтабанк» бошқаруви раиси

Нўғмонов У. У. — «Ўзсаноатқурилишбанк» бошқаруви раиси

Ҳазратқулов М. — Миллий ахборот агентлиги — «ЎзА» бош директори

Эргашев Й. Э. — «Ғаллабанк» бошқаруви раиси.

Қўқон шаҳридаги «Роҳат» хусусий-савдо ишлаб чиқариш фирмаси шу кунларда республикамизда тилга тушиб қолди. Бу ерда асосан ун, ёғ, совун, чой, гуруч сингари зарур озиқ-овқат маҳсулотлари билан савдо қилинади. Айни пайтда бу ерда 540 дан ортиқ турдаги молларни топиш мумкин. «Роҳат»чилар миллий савдо урф-одатларини тиклаш борасида ҳам мақтовга лойиқ ишлар қилишяпти. Улар гузарларни ободонлаштиришга бош қўшишяпти, кам таъминланган оилаларга эса моддий ёрдам кўрсатишяпти.

СУРАТЛАРДА: 1. «Роҳат» хусусий-савдо ишлаб чиқариш фирмаси директори Нурулло Абдуллаев болалар даврасида. 2. Ёш сотувчи Дилафруз Дадабоева.

Ш. ОЛИМОВ (ЎзА) олган суратлар.

14 ЁШЛИ УСТА

Испаниянинг Минорка оролида шахмат бўйича ёшларнинг жаҳон биринчилиги ўтказилди.

Самарқандлик акаука Ҳамроқуловлар муваффақиятли қатнашдилар. 16 ёшли Ирода Ҳамроқулова назарга тушди. Унинг укаси Иброҳимжон эса 14 ёшида ФИДЕ спорт устаси шарафли унвонига сазовор бўлди.

Лутфулла МАМАСОЛИЕВ.

АВТОМОБИЛЬ УЧУН ВАГОНЛАР

Фарғонадаги темир йўл бўлими Қўқон локомотив депосида «ЎзДЭУавто» корхонасида ишлаб чиқарилаётган енгил машиналар учун вагонлар тайёрлаш бошлаб юборилди. Бундай вагонлар махсус тўр билан ўралган бўлиб, ўзига хос муҳофазаланган. Юк манзилга бешикаст етказилади. Янги маҳсулотни тайёрлаш мунозабати билан темир йўл бўлимида яна 300 иш ўрни барпо этилди.

Алишер ИБОДИНОВ.

Газетхон таклифи

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ЧЕТ ЭЛДАГИЛАР ҲАМ МУШТОҚ...

«Ўзбекистон овози»ни отахон газета деб аташлари бежиз эмас. Дарҳақиқат, ушбу рўзнома, мана етмиш тўққиз йилдирки, Ўзбекистонимизнинг уйғоқ ва жарангдор овози, сеҳрли қиёфаси ҳаётимизнинг ўзига хос кўзгуси бўлиб келмоқда. Ҳа, «Ўзбекистон овози» миллионлаб мухлисларини ўз овози, ўзига хос мулоқоти билан шоду хуррам қилади, қанотли ибора билан айтганда уйғотади, ўз халқимиз, диёримиз янгиликларидан хабардор этади, муаммоларимиздан воқиф қилади, одобахлоқдан дарс беради, қадриятларимизнинг қадрига етишга чорлайди. Камина ярим асрга яқин муддатдан буён мазкур газета билан ошно, қадрдондўст. Ҳозиргидай эсимда, газета билан илк бора учрашганим 1946 йил, эндигина ўн учўн тўртга тўлиб-тўлмаган ўспирин пайтларим...

Мен қайси хорижий мамлакатга бормай, бошқа газеталар қаторида «Ўзбекистон овози»нинг беш-ўн сонини олиб кетадиган бўлдим. Нафақат Ватандошингни, балки хориждагиларни, у ерда тақдир тақозоси билан яшаётган юртдошларингни Ўзбекистон вақтли матбуоти ҳақидаги илиқ, мақтовли сўзларини эшитиб қувонасан, фахр ва ғурурга тўлиб тошасан киши. «Тошкент оқшоми», «Миллий тикланиш», «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», «Халқ сўзи», «Туркистон», «Ватан», «Маърифат» газеталарига обуна бўлиш, улар ёрдамида ўзбек тилини ўрганишга бўлган иштиёқларини кўриб, англаб, сезиб хурсандчилигингга хурсандчилик қўшилади... Аммо, хориждаги биродарларимизни газеталарга, шу жумладан «Ўзбекистон овози»га обуна бўлиш борасидаги орзулари ҳозирча орзулигича қолмоқда. Шуни бир ўйлаб кўрсак ёмон бўлмасди...

Дарвоқе, Муродовлар сулоласи азалий анъанасига бу йил ҳам содиқ қолди: Мендан ташқари Чортоқ ва Янгиқўрғонда яшовчи Муродов Зафаржон (Чортоқдаги 7-автомобиллар ҳиссадорлик жамиятининг бош директори), Муродова Муқаддам (Янгиқўрғон туман ҳокимлиги касаба уюшмасининг бошлиғи), Турғунов Ҳусанхон (Наманган вилоят 11-ПМКнинг бош директори), Тўйчиев Ойбек (Янгиқўрғон туман матлубот жамиятининг раиси) ва бошқалар нафақат ўзлари, балки жамоалари аъзоларидан ҳам кўплаб кишиларни «Ўзбекистон овози»га обуна қилганликларини менга етказганларидаги қувончимни сўз билан изҳор эта олмайман.

Малик МУРОД, филология фанлари доктори, профессор.

БИЗ ОБУНА БЎЛДИК! СИЗЛАР-ЧИ?

Менинг азиз мухлисларим, сизларни "Ўзбекистон овози" рўзномасига обуна бўлишингизни истардим.

Сизни сайёрангиз

Таниқли санъаткор Лутфулла САЪДУЛЛАЕВ:

«Санъаткорлар оиласимиз. Камина газетани бошидан ўқиса, Гулчеҳрахон охиридан мутолаа қиладилар».

ЎЗБЕКЧИЛИК

(Давоми. Боши 1-бетда).

ЯЛАНГБОШНИНГ ХОТИРИ

Форишда, тоғ қишлоқларидан бирида сафарда эдим. Таъзияли жой чиқиб қолди. Тўрт киши енгил машинада йўлга чиқдик. Ҳамроҳларим бирдек дўппи кийиб олишган эди. Хонадонга етай деб қолганимизда, урф-одатимиз ёдимга тушиб, «Шаҳарда ишхонамга дўппи ташлаб қўйиш одатим бор. Ҳаво очиқ бўлганига ялангбош келаверувдим», дедим гап салтига.

— Мен ҳам афандиман-да, — кафтини пешонасига урди Эсон ака. — Уйдан олсак бўларди.

Кейин йўлдан кўз узмай машина ғаладонини титкилай кетди:

— Бирда-ярим шу ерга ташлаб қўярдим. Эссиз, уйда қолибди-я!

Шу гап билан хонадонга етиб келдик. Мезбонлар одоб юзасидан мени олдинга ўтказишди.

Дастурхон атрофига тиз чўкдик, қуръон тиловат қилинди. Кўнгил сўраб, кўзғалганимизда ҳамроҳларимга нигоҳим тушиб тўлқинланиб кетдим. Учови ҳам ялангбош, менинг хотиримни қилиб, дўппиларини машинада қолдиришган эди...

ҲАШАРЧИЛАР

Бу воқеани менга Баҳриддин муаллим гапириб берган.

«Катта ўғлим Фахриддин ҳарбийдан қайтиб келмай туриб, кичиги Хусниддинга ҳам чақирув қоғози келди. Қиблага қаратиб, чоғроққина меҳмонхона тиклаган эдим. Узум пишиғиям кирди-ю, сувоқдан чиқара олмадим. Мактаб бошлангунича бирёқли қилмасам, худо билади, ўёғи нима бўлади.

Шанба куни эрталаб қора тайхарга икки бидонни тарози қилиб ортиб, Муҳаббат қизимни булоққа сувга жўнатдим. Ўзим лойхандакка тушиб, тупроқ уйдим. Кетмон сопи ҳали қўлимни қизитмай, тепамга Зиёд тоға келиб қолди. Бир муддат ишимни кузатиб туриб, «Таги билан қириб чоп, — деди. — Ҳа, мана шундай. Йўқ, бўлмайди. Қоч, ишдан чиқиб кетибсан. Менга бер кетмонни!»

Тоға лойҳандакка тушиб, мен юқорига чиқдим. Муҳаббат олиб келган икки бидон сувни тушириб, бўшини ортиб яна булоққа жўнатдим.

Шу асно қўшни ҳовлидан овоз келди:

— Абдусаттор! Абдусалом қани? Буёққа келинглар, бедани кейин майдалайсизлар.

2

Хиёл ўтмай икки ўғли билан Ҳамро тоға ёнимизда пайдо бўлди. Абдусалом лой қорди. Абдусаттор сув қуйди. Ҳамро тоға қитир-қитир андава тозалай кетди.

Лой пишай деб қолганида сой томондан Эргаш бўла кўринди:

— Ҳорманглар! Абдусалом лойга уста-да. Тири йўқ. Ҳей, Баҳриддин, сомон қўшдингми? Палоч-ку! Бу ишинг бўмайди. Гулсувоққа буғдой сомон зўр-да! Қаноринг борми, бер. Абдусаттор, мен билан юр.

Лой бошига чой келтирдим, қарасам, Абдусалом буғдой сомонни сочиб, лойни ағдариб чопишга тушибди.

Шундай қилиб, иш қизиб кетди. Абдусалом пақирларга лой солиб берди, Абдусаттор ташиб турди, Эргаш бўла деворнинг ғадир-будурини текислади. Ҳамро тоға билан Зиёд тоға андава торта кетишди. Тек турган кимса йўқ, ўзим ишсиз қолдим. Қараб туриб, бекорчиликдан ичим қизиди:

— Деворнинг ўша тепароғи сал қийшиқми, Зиёд тоға? Лойдан қалинроқ уринг! Ҳамро тоға, андавани сувга бир ботириб олинг, яхмалакда тойгандек силлиқ юради!

— Ҳей, менга қара, бошқа ишинг йўқми? Нима қиласан бошни қотириб. Бор, овқат-повқатга қара!

Эргаш бўла шундай деб ҳайдагач, ўчоқ ёққа юрдим. Аммо бориб ўтирмадим. Қарасам, Майрам ўчоққа ўт қалаяпти, Бўстон янга шўрва шопиряпти, Иқбол келин идиш-товоқ ювяапти, Хайри янга чой дамлаяпти.

Узумзорга кириб, чойнакдай-чойнакдай икки бош узум уздим. Йўл-йўлакай чўқилаб, чорпоядаги дастурхонга қўйдим. Қулоғимга беминнат ҳашарчиларнинг мутойибаси, «Ҳа, бўл, ҳа бўл»и чалинди:

— Бесабр бўлманглар, йигитлар. Тушгача яримини сувайлик. Пешиндан кейинга ҳам яна шунча қолади».

Зиёд тоғанинг овози ҳашарчилар кўнглини, уларга қўшиб менинг кўнглимни тоғдек кўтариб юборди.

ОРИЯТ

Тошйўл тугаган жойда автобусдан тушдик. Буёғи яна беш чақирим пиёда кетишим керак. Саидазимнинг уйи икки қадам жойда.

— Ҳавонинг совуғини.., — деди у жунжикиб. — Тешиб юборай дейди-я. Юринг, синфдош, уйга кирамиз. Бир пиёла чой ичиб, ичингизни қизитиб олинг.

3

Дарвозада хотини Раъно пешвоз чиқди. Сўраша-сўраша меҳмонхона зулфагини туширди. Эрига қиё қараб:

— Вой, Махпират (катта қизининг исми), пальтонгиз қани, ҳурпайиб кетибсиз. — деди. Саидазим эшитмаганга олди:

— Кўрпачани қалинроқ сол. Печкагаям ўтинни кўпроқ ташла!

Раъно зиппилаб кўрпача ёзди. Хонада беҳи ҳиди гуркиради.

— Ҳавоси қурсин. Эрталабдан чатнаб турибди. Қани, ака, юқорига ўтинг. Ростданам, пальтонгиз йўқми, Махпират?

— Чой қил. Узумдан олиб кел. Тоифидан.

Раъно чиқиб кетгач, Саидазим менга юзланди:

— Сезяпман, энсанг қотиб турибди. Хотин пальтони сўраганича бор. Ўзи бир ой ҳам бўлгани йўқ. Бир тўрва майизни пуллаб, Жаҳон бозоридан опкелувдим. Ҳали айтдим-ку, Тошкентдан, Абдурайимнинг туйидан келяпман деб. Яккатоллик Абдурайм-да. Журналист қизини чиқарди.

Тошкентга кираверишда ипподромга тушдим. Дурустроқ бир лозиманда қилай деб. Уни кўрдим-буни кўрдим. Кўнглимга ўтиришмади. Ёруғлик, деб қандил олиб қўя қолдим. Биллуридан. Аммо пулиям зўр экан. Сўнг ёнимда йўлхаржим кам қолди. Кечқурун базмда битта-иккита даврага тушганларга қистиришга тўғри келди. Оғайним хурсанд бўлсин дедим-да!

Эрталаб қарасам, чўнтакдан шамол ўтиб ётибди. Абдурайимга айтишга уялдим. Нима дейман? Туйингга совға оламан деб йўлхаржим тугаб қолди дейманми? Қайтишда яна ипподромга кириб, пальтони пулладим.

— Ажаб қипсиз, синфдош. Бош омон бўлса, дўппи топилаверади. Пальто қишда керак, оғайни — ҳар куни.

— Ҳа, ўлманг!

Саидазимнинг гапи бўлинди. Бир қўлида ликопчада узум, бир қўлида чойнак кўтариб, эшикни оёқ учида очганча Раъно кириб келди:

— Қани, ака, чойга қаранг. Узумдан олинг. Иссиққа нима етсин. Бинойидек рангингиз кириб қолди, Махпират! Ё товба, пальтонгиз қани?

— Жуфтидан адашган булбулдай бунча сайрамасанг! Бор, қозонни қурум бостирма!

МАЛИК ДОМНИНГ ЎЧОҚБОШИ

Гарашанинг довруғи зўр! Ўзи бир қишлоқ, ичида яна ўнлаб қишлоқ: Яккатол, Кориз, Ҳўробоғзи, Тошқўрғон, Ингичка, Розимас...

(Давоми 3-бетда).

4

ИМКОНЛАРГА СУЯНИНГ...

«...ҲАР БИРИМИЗ МАНА ШУ ЭЗГУ-МАҚСАД РЎЁБГА ЧИҚИШИ УЧУН МУНОСИБ ҲИССАМИЗНИ ҚЎШСАК. ШАХСАН МЕНГА КЕЛСАК, АГАР ХАЛҚИМ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИНГ ЎСИШИ ФАҚАТ МЕНГАГИНА БОҒЛИҚ БЎЛСА, ҲАТТО ЖОНИМНИ ҲАМ БЕРИШГА ТАЙЁРМАН».

И. КАРИМОВ.

Бугуннинг гапи

АСОСИЙ ГАПДАН АВВАЛ. Ўтмишда — каттаю кичик бойларнинг гумашталари бир даврага йиғилиб, ўз хўжаларининг мол-дунёсини мақтай кетишибди. Энг машҳур бойнинг қўлида ишлайдиган бир йигит айниқса ҳаммани оғзига қаратибди: «Қўтонда қўйи, далада моли, яйловда йилқию туяси сероб. Паррандаю даррандаларини айтиб адо этиб бўлмас. Ҳовли-жойининг, экин майдонларининг чек-чегараси йўқ. Айтганларим, бойликларининг юздан бири, холос. Фақат... Бой отамнинг тирноқча камчиликлари борда».

— У қанақа камчилик экан? — дейишибди ўтирганлар.

— Хўжамнинг саводи йўқ...

Шунда бир чўпон этак силкиб, ўрнидан турибди:

— Ҳой мақтанчоқ. Бориб айт, сенинг ўша хўжанг дунёдаги энг қашшоқ киши экан!

* * *

Бизда Билимлар сероб. Яхшилик, Эзгулик сероб. Ҳар қадамдаги Муъжизаларни айтиб адо этиб бўлмас. Бизда Имконлар сероб. Агар шу имконларни ишга солсак борми, ойни ҳам бенарвон урамиз! Шу соатда, шу лаҳзада кимдир довруғи оламга етгулик янгиликни кашф этди. Кимдир бўёғига юрагининг қонидан қўшиб, муҳташам бинолар тархини чизаётир. Яна биров аждодларидан қолган дастгоҳда буюм ясаб, пешонасининг терига чайиб олмоқда. Биламан, қай хилватаро биров бебилиска топган пулларини санаб роҳатланаётгандир. Яна биров бозорда «долларнинг нархи тушиб ё кўтарилиб кетиши»ни ўзича башорат қилаётгандир. Бундай кишилар... Йўқ, мен одамларни турли тоифаларга бўлишни истамайман. Фақат, орзу қиламанки, мустақил юртнинг шону шуҳратига ҳар биримиз ўзимизнинг ҳалол улушимизни қўшаверсак. Меҳнатимиз, ютуғимиз, ҳаётимиз йўлларида ҳалоллик майсалари бўй тараталверса... Ахир, ҳалолликда ҳикмат кўп!

Энам айтардилар: «Нимқоронғи сомоншувоқ уй. Базўр липиллаб турган қирқинчи чироқ. Кичкинагина танча. Бор бойлигимиз шу эди. Бобонг «Ўткан кунлар»ни товуш чиқариб ўқирди. Мен кашта тикиб ўтириб эшитардим. Таъсирланганимдан кўз ёшларим тикаётган каштамга оқиб-оқиб тушар эди...»

1997 йил — инсон манфаатлари йили деб эълон қилинди

мер Эдуард Жонсондан тележурналистлар сўрашади: — «Сиз тадбиркорлик илмини қай университетда ўрганганисиз?» Шунда Жонсон даҳо ва катта панжаларини ёзиб: «Мана менинг университетларим» деб жавоб беради!

Бизда имконлар сероб... Яқингинада республика бўйича ўтказилган «Энг намунали маҳалла хотин-қизлар кенгаши» кўрик-танловида биринчи ўринни олган Марғилон шаҳридаги «Йўрмадуз» маҳалласи хотин-қизлар қўмитасининг раиси Мунаввархон Ғаниева билан суҳбатда бўлдим. «Аҳолиси ўн мингдан зиёд бўлган маҳалламизда атиги юзтача кам даромадли хонадон бор, — дейди у. — Чунки бизда ҳар бир оила аҳли ишдан бўш вақтларида боболари касб-корини тутиб, ўз рўзғорларига файзу баракот олиб кирадилар. Эзгуликдан бошқа истаги йўқ халқимдан айланай...» Сурхондарёлик Файзи полвоннинг сўзлари эса бу суҳбатнинг давомидек бўлиб туюлади менга. Бир умр «кураги ерга тегмаган» отаси — Абдурахмон полвон Алимов билан фахрланиб юрадиган Файзи ака аслида Музработнинг Янгиободдек йирик хўжалигининг улкан ташвишларини елкалаб юрибди. Сурхондарёга сафаримнинг илк кунидаёқ шу хўжаликнинг пахта тайёрлаш режасини бажаргани ҳақидаги хушхабарни эшитганман. Шу куни хўжалик аҳлига катта тўй қилиб бераётган Файзи полвон дастурхон устида Америкага борганини гапириб қолади: «— Нонуштада бизни орасига япроқдек гўшт солинган нон бутерброди билан сийлашди, — дейди у. — Ўша ерда ўтириб, ўзимизнинг юртимизни ўйлаб кетдим, денг. Биз Америкадан бўлмаса-да, шундоққина қўшни шаҳардан келган меҳмоннинг оёғи тагига албатта қўй юмалатамиз. Шундай қилмасак, ҳеч кўнглимиз тинчимайди. Эртакларда довруғи чиққан Ҳотамтой ҳам аслида бизнинг юртимиздан чиққан. Ҳа, аниқ биламанки, шундай!»

Бизда имконлар сероб...

Таҳририятга келган хатларни очаётиб, кўзим тушди: — «Мен Бекобод туманида яшайман, — деб ёзганди бир аёл. — Эрим бирор жойда ишламайди. Болаларимнинг оёқ кийимлари йўқлиги учун бир ҳафтадан бери уларни мактабга жўнатмаяпман...» Мен хонадони моддий инқирозга учраган бу аёлни заррача айбламадим. Йўқ! Оила бошлиғи номига иснод келтириб, ўз хонадонининг чироғини ёқолмаётган ношуд эркакни айбладим, холос. Халқимизнинг азалий ва абадий қадриятларига хиёнат қилаётган (ўша аёл яшаётган) хўжалик раҳбари ҳам, «бир тишламдан берса тўйдиради»ган маҳалла аҳли ҳам айбдор, бунда. Ахир биз ўзбекларни меҳр-шафқат, инсоф, диёнат янглиғ қудратли кучлар бирлаштириб туради-ку! Бизнинг юртимизда қашшоқман деб айтишнинг ўзи уят, Қачонки, шундай сўзни тилга олган киши бўлса, демак у ёнгинасидаги имконлар эшигини очмоқ ўрнига, уни кўриб-кўрмасликка, сезиб-сезмасликка олган?! Чунки, аксариятимиз ҳамон боқимандачилик кайфиятидан қутулолганимиз йўқ. Меҳнат қилмоққа бўйнимиз ёр бермайди. Эртанги кунининг ёруғлиги бугунги ҳалол меҳнатига боғлиқ эканини бундан беш йил илгарироқ фаҳмлаган зийрак ва уддабурон кишилар аллақачон бой-бадавлатликда донг таратиб улгурдилар. Демак, рўзғорда танқислик бўлса, аввало бунга ўзимиз айбдормиз!

«Бирники мингга, мингники туманга» дейдилар. Бировимиз улкан меҳнат ютуғига эришсак, бошқа биримизнинг кўнглимизга ҳавас ўти туташади. Ана шу ўтни аланга олдирайлик. Биримиз хусусий корхонамиз ҳисобига тезда бойиб кетсак, девор-дармиён қўшнимиз йўлимиздан из солади. Шу йўлларни кенгроқ очайлик, токи унга минглаб излар тушсин. Ҳар биримиз мустақиллик берган Имконларни забт этайлик, унга суянайлик. Зеро, бизда имконлар кўп.

Гулчеҳра ЖАМИЛОВА,
«Ўзбекистон овози» шарҳловчиси.

АЖАЛ УРУҒИНИ ТАШУВЧИЛАР

Кейинги йилларда наркобизнес бутун дунё мамлакатларини ўз гирдобига тортди. Ажал уруғининг тобора ёйилиши йўлига ғов солиш мақсадида турли мамлакатлар биргаликда ҳаракат қилмоқдалар: наркотик моддалар ишлаб чиқарилишини камайтирмоқдалар, етиштириладиган экинзорларни тугатмоқдалар. Бундай моддалар яширин равишда тайёрланиши ва транспортда ташилишига қарши фаол курашмоқдалар.

Қолаверса наркотик моддалар ёрдамида бойлик тўплаш ҳар қандай давлатнинг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий барқарорлигига катта хавф солиши турган гап.

Ҳозирги вақтда республикамизда наркотик моддалар устидан назорат ишларини олиб бориш бўйича БМТ дастуриламал қилмоқда, шунингдек, наркотик моддаларни назорат қилувчи республика давлат комиссияси ишлаб турибди.

Наркотик моддалар савдоси билан шуғулланувчилар Марказий Осиё давлатлари, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан фойдалана бошладилар. Ажал уруғи асосан Афғонистондан ташиб келинаётгани маълум.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг Бош божхона бошқармаси бу борада самарали ишларни олиб бораётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Шу йилнинг 10 ойи мобайнида бошқарма ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ҳамкорликда наркотик моддалар ташилишига қарши курашиб, 377 ҳолатда бундай уринишларнинг пайини қирқди. Натижада 5 тоннадан ортиқ наркотик моддалар ушлаб қолинди. Ваҳоланки, ўтган йилнинг шу даврида 242 килограммга яқин наркотик моддалар ушланган эди.

Наркотик моддаларни олиб ўтиш ва уларни транспортда ташишнинг усуллари ва воситалари йил сайин мураккаблашиб бормоқда. Ҳозир бу моддаларни шахсий буюмлар ичига, йўловчиларнинг юклари орасига, темир йўл

Божхона бекати

вагонларидаги пана жойларга, ёстиқ ва тўшаклар орасига яшириш ҳоллари мавжуд. Наркотик моддалар асосан темир йўл орқали ташилаётгани кўзга ташланмоқда. Масалан, бу йил наркотик моддаларни юклар ичида ёки қўл юкида ташишга оид 124 ҳолат, кийимкечак ичида ташишга оид 49 ҳолат, транспорт воситаларининг пана жойларида ташишга оид 38 ҳолат аниқланганди.

Ажал уруғини тарқатувчилар транспортнинг ҳамма туридан фойдаланмоқдалар. Темир йўл транспортида 168 ҳолат, ҳаво транспортида 17 ҳолат, автомобиль транспортида 77 ҳолат, транспортсиз эса 78 ҳолат бўйича айбдорлар қўлга олинди.

Бу соҳадаги энг катта «ов» шу йили Сурхондарё вилоятида рўй берди: вилоят божхона хизмати ходимлари Афғонистондан Словакияга кетаётган транзит контейнерни текшириб, тегишли ҳужжатларни расмийлаштириш чоғида 4 тоннадан зиёд нашани топиб олдилар. Шунча миқдордаги наша брикет ҳолида зичлаб, бир неча целофан халтачаларга жойланиб, контейнернинг ўрта қисмига — юклар орасига яшириб қўйилган экан. Ҳужжатларга кўра контейнерда қизил майиз олиб кетилаётганди.

Республика чегарасидан олиб ўтишга ҳаракат қилинаётган наркотик моддаларнинг турлари ҳамон илгаригидек: кўпинча наша, афъюн, кўкнори, марихуана ташилади. Бу йил тўрт тонна 873 кг 92 гр наша, 150 кг 648 гр афъюн, 21 кг 62 г кўкнори, 68 кг 213 гр марихуана, 2 кг 41 гр героин ушланди. Ўзбекистон ҳудудига олиб киришга уриниш чоғидаги 49 ҳолатда 62 кг 980 гр наркотик модда, ташқарига олиб чиқишга доир 101 ҳолатда 53 кг 341 гр наркотик модда тортиб олинди.

Ўзбекистон ҳудуди орқали хавфли иллатни ташишга уринишлар кўпаймоқда. Транзит юкларни ташишдаги 82 ҳолатда 4 тонна 929 кг 708 гр наркотик моддалар ушлаб қолинди. Республика ичидан ташқарига айниқса Русия йўналиши бўйлаб наркотик моддаларни олиб чиқишга уриниш ҳоллари кўпаяётгани ташвиш туғдиради. Йил бошидан буён 135 марта ана шундай уриниш рўй берди, 1995 йилда эса бу хил уринишлар сони 124 тага етган эди.

Ҳамма давлатлар ва барча тегишли халқаро ташкилотлар ўз куч-ғайратларини бирлаштирган тақдирдагина бу хавфли иллатга қарши самарали курашиш ва унинг пайини қирқиш мумкин.

Фарҳод РАСУЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси матбуот гуруҳининг ходими.

ДАСТУРХОН ЗИЙНАТИ

Пойтахтимизда «Ўзмевасабзавотузумсаноат» уюшмаси ташкил этган савдо-сотиқ ярмаркаси давом этяпти. Ушбу ярмаркада республикамизнинг турли вилоятларидан вакиллар қатнашмоқда. Ярмаркада 67 ишлаб чиқариш корхонаси ўз маҳсулотлари билан қатнашяпти. Самарқанддаги «Зарафшон» заводи акционерлик жамиятига айлантирилгач, 1994-95 йилларда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 30 фоизга ошибди. Ҳусусан, «Самарқанд», «Зарафшон», «Ўзбекистон» каби ичимликлар 7 хилга етди. Корхоналар билан шартномалар тузилмоқда.

Дилором БЕКМУРОДОВА.

ШОИР БИЛАН УЧРАШУВ

Тошкентдаги Заҳириддин Муҳаммад Бобур номли 121-урта мактабда Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов билан шеърият мухлисларининг учрашуви бўлди. Мулоқотда мактаб ўқувчилари шоир ижодидан намуналар ўқишди. Шунингдек, «Тафаккур» журнали Бош муҳаррири, Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати Эркин Аъзамов, мазкур мактаб директори Нуринисо Тожихоновалар йиғилганларга шоирнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида сўзладилар.

Адиба ҒОЙИБОВА.

ЯНГИЙЎЛ ШОЛИСИ

ТОШКЕНТ. *Мева-сабзавот етиштириш режасини ортиғи билан уддалаган Янгийўл соҳибкорлари шоли тайёрлашни ҳам ўрнига қўйишди. Мўлжалдаги 400 ўрнига 410 тоннага етказиб ҳосил топширилди. «Ниёзбоши», «Янги ҳаёт» жамса хўжаликлари ҳамда Ўзбекистон машина синаш станцияси шоликорлари гектаридан 40 центнердан ошириб ҳосил кўтардилар.*

Соҳибжон САЛИМОВ.

ПОДА.

Муҳаммад АМИН олган сурат.

ҒАРИБ КЎНГЛИН

Кўмилмай қолган қария ва итлар

Таниқли рус журналисти Александр Невзоров бундан бир неча ой олдин Россия телевидениеси орқали Псковдан бир кўрсатув берди. Манзара қуйидагича: Эски, коммуникация тармоқлари ишламайдиган, таъмирлашга муҳтож кўп қаватли бинонинг битта подъезди. Мухбир ахлат уюмларидан ҳатлаб, тепадан томаётган томчидан четлаб, подъездда дайдиб юрган катта-кичик итларнинг ириллашидан ўзини авайлаб юқори қаватлардан бирига кўтарилади-да, тўғридаги хона тугмачасини босади. Эшик очилиб, жуда қариб, бели букчайиб қолган бир кампир чиқади.

— Бабуля, хат бўйича келдим, телевидениедан, — дейди Невзоров.

— Кечикдиларинг, — дейди кампир маъюс ҳолатда.

— Нима, дедуля вафот этдими?

— Ўз ажали билан ўлмади, итлар еб кетишди.

— Тириклайинми?

— Тириклайин. ўрнидан туролмай касал бўлиб ётганида... Кумишга одам топилмади. Фарзандларига хабар бердик, лекин келишмади.

Кампир шундай деб, мухбирни қўшни хонага бошлади. Полда одам суяклари сочилиб ётибди. Битта кучук тахтадан ясалган қўлбола сўри тагидан бошини чиқариб камерага қараб ириллайди. Подъезддан бошқа кучукларнинг овози келиб турибди.

Кампир мухбирга термулиб дейди:

— Ўғлим, мен касал бўлиб ёки ўлиб қолсам мана бу итлар еб қўядими деб қўрқаман.

— Ёлғизмисиз?

— Ёлғизман.

— Нега, фарзандларингиз йўқми?

— Бор, ташлаб кетиб қолишган. Айт, мени қариялар уйига жойлаб қўйишсин.

Сўзсиз, бу манзарани кўришнинг ўзи даҳшат. Ҳар қандай одамнинг этини жимирлатиб юборади. Ҳеч кими йўқ, фарзандлари ташлаб кетган қария оғир бетоб бўлиб қолади. Унинг кучукдан бошқа ҳеч қандай шериги йўқ. Қария ўрнидан туролмайди, дори сув ичолмайди, овоз чиқариб бақиролмайди. Қўшниларнинг бирортаси ҳам ундан хабар олмайди. Оч қолган кучук оёқлари билан тирнаб эшикни очганидан кейин дайди итлар кириб чалажон қарияни еб қўйишади. Шундан кейин ҳам қариянинг суякларини тўплаб кўмадиган одам топилмайди.

Александр Невзоров бу воқеани даҳшатли тасвирларда баён қилар экан, асосий айбни шаҳар раҳбариятига тўнкайди. Лекин инсонлар маънавияти ва ёлғизлик фожиаси ҳақида ҳеч нарса демайди. Ваҳоланки, бу маънавиятдаги тулик юқумли ва хавфли касаллликдек тез тарқалиб боряпти. Жумладан, ҳозир Ғарбий Европа мамлакатларида 34 миллион аҳоли ёлғиз яшайди. Бу ана шу ҳудуддаги аҳолининг қарийб 10 фоизини ташкил этади. Баъзи мамлакатларда эса бу кўрсаткич 25—30 фоиздан ошади. Бунга асосан одамларнинг ўзлари сабабчи. Никоҳсиз яшашга ўрганиш, фарзанд кўришни хоҳламаслик, енгил-елпи турмуш кетидан кувиб кўнгилхушликка берилиш, ота-онадан воз кечиш, қариндош-уруғлар билан ётлашиш сингари инсонийликдан йироқ маънавият одамни ёлғизлик балосига гирифтор қилади.

Россияда ёлғизлик фақат қариган одамлар ўртасида эмас, банлик оқибатида юз берган фожиа. Фарзанднинг отага, қўшнининг қўшнига, яъни инсоннинг инсонга бўлган тубанлигидир. Ёлғизликка ҳавас қилмаслик керак, ёлғизлик ана шундай фожиаларга сабабчи бўлади.

Биз бу мавзуни тилга олганлигимизнинг боиси шундаки, кейинги йилларда дунёдаги кўпгина мамлакатларда ёлғизбалки ёшлар ўртасида ҳам оммавийлашиб боряпти. Ёлғиз яшашни маъқул кўрадиган ёшлар «мен бировнинг насиҳатига муҳтож эмасман» деган принципга амал қилишади. Улар ота-оналари билан яшай олмайдилар. Турмуш қуришса, эр-хотин бўлиб яшашлари узоққа бормайди. Яқинда «Труд» газетасида босилган бир хабарда эр-хотинларнинг ажралиб кетишида Россия дунёда етакчи ўринга чиқиб олганлиги айтилади. Жумладан, ўтган йили қонуний равишда рўйхатдан ўтказилган ҳар 100 та оиладан 60 тасида турмуш бузилган. Россияда ўз «ҳузур-ҳаловати»ни ўйлаб фарзанд кўришни истамаётганлар сони кўпайиб боряпти. Шу пайтгача ёлғизлик асосан ҳувиллаб қолган қишлоқларда ҳукмрон эди. Энди бу офат ёшлар орқали шаҳарга ҳам тарқаляпти.

Ёлғизлик — ҳар қандай инсон учун фожиа. Оила ва жамоа бўлиб яшаш билангина бу фожианинг олдини олиш мумкин. Агар инсон ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолда ёлғиз бўлиб қолган бўлса, қуни-қўшничилик, қариндош-уруғчилик, таниш-билишчилик ёки оддий ҳамкор-ҳамфикрлиликка таяниб бу азобдан халос бўлиши мумкин. Бироқ Россияда бунинг бошқа йўли жуда оммавийлашиб кетган. Яъни, ёлғизликни ит боқиш билан енгиллатиш одат тусига кирган. Улар ит ўзларини бало-қазодан сақлайди деб ўйлашади. Аслида ундай эмас. Ит фожиа келтираётган мисоллар кўп. Россия газеталари ит одамларни бурда-бурда қилиб ташлаётганлиги, болаларни майиб қилаётганлиги, қуни-қўшнилар ўртасида жанжал чиқишига сабаб бўлаётганлиги ҳақида ташвиш билан ёзишяпти. Каттакатта шаҳарларда итлар кўпайиб кетганлигидан кўчада бемалол юришнинг иложи бўлмай қолган. Биргина «Труд» газетасининг ўзида кейинги уч ойда бу масала беш-олти марта долзарб мавзу сифатида кўтариб чиқилди. Бир мақолада айтилишича, шу йилнинг ўн ойида итлар Қозон шаҳрида уч минг кишига зарар етказган. Дудуқланиб ёки соқов бўлиб қолган болалар, ўз итига ем бўлган ёлғиз кишилар ҳақида кўплаб мисоллар келтирилган. Айниқса, Москвада юз берган фожиалар — ҳаммамизнинг кўз олдида кўчага етаклаб чиққан ёлғиз эгасини тишлаб ўлдирган итлар ҳақида ташвиш билан ёзилган.

Ит боқиб ёлғизлик азобини енгаман деганлар мутлақо хато қилишади. Бироқ, афсуски, Тошкентда ҳам ит боқишни ёлғизлик ва хавфсизлик кафолати деганлар ўйлаб эмас. Кўча ва подъездларда, хиёбон ва оромгоҳ жойларда ит етаклаган ёлғиз кишилар-кампирлар, чоллар, жувонлар, ёш хонимчалар шу даражада кўпайиб кетдики, кўрққанидан ёш болалар тугул, катта ёшли одамлар ҳам дудуқ бўлиб қолишлари ҳеч гап эмас. Итларда тумшуқтўр (намордник) йўқлигига чидашингиз мумкин, бироқ эшшакдек итларни бўш қўйиб юборишларини кўриб лол қоласиз. Шаҳарда бу масалада ҳеч қандай назорат йўқ.

Ҳаётнинг қизиқ бир қонунияти бор. Одатда серфарзанд кишилар ҳамда катта оилалар турмуш қийинчиликларидан кўпам нолишмайди. Фарзанд қанча кўп бўлса, худо ризқини

ЕЛЬЦИН КОЛЬ ВА ШИРАК БИЛАН УЧРАШАДИ

Президент Борис Ельциннинг матбуот котиби Сергей Ястржемскийнинг баён қилишича, Ельцин янги йилнинг 4 январида ҒФР канцлери Гельмут Коль билан учрашади, деб хабар беради халқаро ахборот агентлиги. Мазкур учрашув Президент Ельциннинг Москвадан 100 километр шимолдаги Завидово қароргоҳида бўлиб ўтади.

Россия Президенти Борис Ельцин операциядан сўнг соғлиғини тиклагач, ғарб давлат арбоблари билан биринчи бўлиб Коль билан учрашади.

Президент матбуот котибининг баён қилишича, Борис Ельцин Франция Президенти Жак Ширак билан ҳам январь ойи бошида Москвада учрашув ўтказишини маълум қилди. Учрашувнинг аниқ муддати кейинроқ маълум қилинади. Бундан аввалроқ Борис Ельцин АҚШ Президенти Билл Клинтон билан ҳам 1997 йилнинг мартида учрашишини эълон қилганди.

БУТРОС ҒОЛИЙНИНГ ЎРНИНИ КИМ ЭГАЛЛАЙДИ?

Америка Қўшма Штатларининг тутган позицияси бошиданоқ қатъий эди: Бирлашган Миллатлар Ташкилотини янги бош котиб бошқариши шартдир. Муросасозлик қилиб бўлмайди, деб маълум қилади АҚШнинг БМТдаги вакили Мадлен Олбрайт. Хавфсизлик Кенгашининг жума кунги кечки ёпиқ мажлисида Миллатлар Ташкилотининг маъмурий бошқарувига номзод кўрсатиш масаласи муҳокамасидан сўнг у журналистлар билан учрашув ўтказди.

Маълумки, мисрлик 74 ёшли Бутрос Бутрос Ғолийнинг БМТ котибияти лавозимидаги ваколат муддати шу йилнинг 31 декабрида тугайди. Олбрайтнинг баёноти Германия, Индонезия, Италия, Канада ва Франциянинг БМТдаги вакиллари Вашингтонга, Президент Билл Клинтонга йўллаган мурожаатномасига жавобдек бўлди. Вакиллар Билл Клинтонни Бутрос Ғолий номзодига «муросасозликка» чақиришди. АҚШ эса Ғолийнинг БМТ котиби лавозимидаги фаолиятини қониқарсиз, деб ҳисобламоқда.

ГАРМ УЧУН ҚОНЛИ ЖАНГЛАР

Тожикистондаги сиёсий вазият ҳамон танглигича қолмоқда. Душанбедан 185 километр шарқда жойлашган Гарм тумани марказида муҳолифчи кучлар ва Тожикистон ички ишлар кучлари орасидаги жангларда 40 нафардан ортиқ бегуноҳ курбонлар берилди. Шу йил 2 декабрь тунида эса Гарм жангларида муҳолифчи қўшин бошлиғи Бобойи Сайид ҳам ҳалок бўлди. Тожикистон махсус хизмат вакилининг телефон орқали хабар беришича, муҳолифчи кучлар Гарм учун 6 соат давомида шиддатли жанглар олиб борди ва 120 нафар ҳарбий хизматчини асир олди. Ҳозирча асирлар Гармдан унча узоқ бўлмаган Тожикобод посёлкасида ҳибсда сақланяпти, деб тахмин қилиняпти. Муҳолифчи қуролли кучлар Гармни ишғол қилгач, туман марказидаги вазият ноаниқлигича қоляпти.

ДАВЛАТ ГЕРБИ УЧУН КОНКУРС

Украина ҳукумати давлат герби ва давлат гимни матни учун ижодий конкурс эълон қилди. Конкурс шартига кўра Гербнинг асосий кўриниши Буюк Владимир князлиги давлатчилиги белгиси, гербда эса Запорожье қуролли кучлари белгиси акс этиши шартдир. Гимн матни лойиҳасини Украина миллий гимнига асосланиб Михаил Вербицский мусиқаси остида яратилиши кузда тутилгандир. Ҳозирча Украина маданият ва санъат вазирлигига 32 та гимн матни лойиҳаси тақдим этилди, 8 та герб хомакиси ҳам топширилди.

2001 йил тақвими

ДУШАНБАДАН ЯНГИ ҲАЁТНИ БОШЛАЙМИЗМИ?

Жаҳон календарь (тақвим) тизимини такомиллаштириш интилиш тарихда қадимий мисрликлардан бошлаб ҳозирги замондошларимиз даврида ҳам давом этиб келмоқда. Бундай мукаммалликка эҳтиёжни 1922 йилда бўлиб ўтган мунажжимларнинг халқаро қурултойи ҳам таъкидлаб ўтганди. Қурултойдан бир йил кейин календарь ислоҳотини ўтказиш бўйича халқаро қўмита тузилди. Бу Григориан календаридаги камчиликларни бартараф этиш масаласи билан шуғуллана бошлади. Шундан буён (кейинги қирқ йил ичида БМТ стакчилиги остида) янги календарь тизимини ишлаб чиқиш бўйича саъй-ҳаракатлар қилиняпти. БМТ қошида жаҳон календарини ислоҳ қилиш халқаро уюшмаси иш олиб бормоқда. Ҳозирга келиб унинг архивида 400 дан зиёд лойиҳалар мавжуд.

Мунажжимларнинг ҳисоб-китобларига кўра, ҳозирги пайтда амал қилаётган жаҳондаги календарь тизими қадимги Рим қуёш календаридан олинган бўлиб, у бизнинг эрамизга қадар 45-йилнинг биринчи январида Юлий Цезарь ислоҳоти бўйича амалга киритилганди. «Юлиан» календари деб ном олган бу тақвим бир қатор камчиликларга эга эди. 1582 йилга келиб Рим папаси Григорий XIII Юлиан йил ҳисобини ислоҳ қилиб, йилни ҳисоблашни ўн кун олдга сурди. Шундан бошлаб янги календарь «Григориан» номи билан атала бошланди.

Календарларнинг турли-туманлиги шу билан изоҳланадики, Ер планетаси Қуёш атрофида айланиши мобайнида Ер йили 365 суткага тенг келиб ва яна қўшимча 6 соату бир неча дақиқа ортиқча вақтта эга бўлади. Шу боис инсоният йил ҳисобида янги тизимларни ўйлаб топиб, уларни астрономик вақтта тўғрилашни мақсад қилиб қўйган. Шу сабаб ҳар тўрт йилда бир кун «ортиқча», бу кун 29 февралга тўғри келади. Бундан ташқари, Григориан календарида ойлар турли сондаги кунлардан иборатдир. Масалан, февраль 28 бўлса, март 31 бўлади. Бу рақамлар ҳар йили турли ҳафталарга тўғри келади. Айни пайтда байрам кунлари ва чораклар ўртасидаги сон (90-92 кунгача) тенглиги бўлмайди. Бу эса корхона ва ташкилотлар ишида ноқулайликлар тугдиради. Бундан ташқари, ҳар янги йил — 1 январь астрономик қиш бошланишига ҳам тўғри келмайди. Буларнинг ҳаммаси иқтисодиёт учун огир юк бўлиб тушади. Фақат ноширларнинг ўзлари ҳар йили янги календарлар чиқаришга мажбур бўлишади.

Яқинда Удмуртия фуқароси Василий Рогалев календарь тизимини такомиллаштириш бўйича янги лойиҳа ўйлаб топди ва уни жаҳон календарь уюшмасига топширди. Муаллиф томонидан «Мангу календарь», деб ҳисобланаётган бу тақвимнинг муҳим жиҳати шундаки, ҳар 12 ой ва ҳар йил душанбадан бошланади. Тўрт ой — февраль, май, август, ноябрь 31 кундан, қолган ойлар эса 30 кундан иборат. Якшанба кунларини тўлдириш учун барча ойнинг 31-рақами билан тугайдиган кунлари дам олиш кунлари деб белгиланади. Тўрт шанба кунининг ўрнини қоплаш давлатларнинг қонун чиқариш органлари эътиборига ҳавола этилган. Шунинг учун меҳнат аҳли бундан безовта бўлмаса ҳам бўлади. Чунки йил мобайнидаги 52 дам олиш кунлари ўзгармасдан қолади. Бироқ, илгариги Григориан календари сингари тўрт йил ичида бир марта қўшимча кун жорий этишга тўғри келади. Бу февраль ойида бўлмасдан, балки 30 июнга тўғри келади. Ушбу кун номерсиз бўлиб, Рогалевнинг таклифига кўра, ЮНЕСКО куни деб аталгани маъқул. Худди шунингдек, ҳар йили 30 декабрдан кейин бир кун — БМТ махсус куни амалга киритилади.

Янги календарь муаллифи инсониятга ушбу схема бўйича ҳаёт бошлашни 2001 ёки 2007 йилдан кучга киритишни таклиф этади. Чунки Григориан календари бўйича айни шу йилларда 1 январь душанбадан бошланади. Бинобарин, учинчи минг йиллик 2001 йилдан бошланишини ҳисобга олсак, янги асрни янги календарь билан бошлаш, муаллиф фикрича, мақсадга мувофиқдир. Ҳозирча бу янгиликни жаҳон календарь тизими уюшмасида ўрганиб чиқишяпти. Балким, у амалга киритилар.



ЎЗБЕКЧИЛИК

(Давоми. Боши 1-, 2-бетларда).

Усмон полвон пилла бригадир эди. Қишлоқма-қишлоқ юриб, пиллачилардан хабар олай деди. Яккатоллик Саидхон полвонникига тушиб бир гап эшитди:

— Ҳозиргина Жонузоқ ферма келиб кетди. Ингичкада Малик домнинг уйига ўт тушибди. Элчилик, ёрдам бериш керак экан. Тўртта болорим бор эди, бериб юбордим.

Усмон полвон Коризга бориб, Отақул ҳожининг уйида ҳам шундай гап эшитди. Жонузоқ ферма иккита тўсин олиб кетибди.

Хўробоғзида Намат кассир тўсинбоп матоҳ йўқлигидан жундан тўқилган шолча совға қилибди: бирон кор-ҳолига ярар.

Тошқўрғонда Мусахон арбоб қўярда-қўймай бир пиёла чойга тўхтатиб, гапни узоқдан олди:

— Ёмон кунда кўмак бериш Одам Атодан мерос. Пайғамбаримиз Саллаллоҳу алайҳи васалам ҳам муҳтожлардан марҳаматларини аямаганлар. Иттифоқо бир одам ўтлоқда эчкиларини боқиб юрган Расули Акрамдан бир нечта эчки сўраган. Шунда саховатли пайғамбаримиз унга сурувни бериб юборганлар. Ҳозиргина Жонузоқ ферма келиб кетди. Малик домнинг уйига ўт тушган эмиш. Эшитмай қолмиз-ми. Аммо яхши бўмапти, чироғим. Шунга ёрдам сўраб келган экан. Иморатбоп ускуна йўқ эди. Бир серка боқиб юрувдим. Ҳашарчиларига қозон осар, деб шуни бериб юбордим.

Усмон полвон отига нағал қоқиши кераклиги эсига тушиб, Мусахон арбобникидан тўғри Ҳамдамбулоққа — Уста Болтаникига ўтди. Уста Болта полвонни очиқ чеҳра билан қарши олди. Босқон ёнида бир пиёла чой тутиб, нон ушатди. Кейин «Қани, жийроннинг оёғини кўтаринг!», деб ишга уннаб кетди. «Хайрият, Жонузоқ ферма бу томонларга келмаган кўринади», деган фикр ўтди полвоннинг хаёлидан.

Уста Болта ёйсимон ўткир ускунада аввал от туёғини обдон йўнди. Ҳозиргина сувдан олинган тақани туёққа чамалаб кўриб деди:

— Эртан-мертан икки жуфт тақа ясабидим. Иккиси сизнинг отингизга буюрган экан. Нариги икковини Малик домга бериб жубардим. Боғанагина Жонузоқ ферма келиб эди. Хабарингиз бўлдими, Малик домнинг уйига ўт тушган экан. Бизда ёғоч бўлмаса, топган-тутганимиз темир. Битта кетмон ҳам бериб жубардим. Лойпойга ишлатар...

— Ана, холос! — чуқур хўрсинди полвон. — Малик домнинг ўчоқбоши чўйкабди, деб эшитувдик. Нима бало, бутун Ингичкага ўт кетибдими? Жонузоқ ферманинг уйи ҳам ёниб кетибдими?

5

— Ҳай-ҳай, нафасингизни ел олсин, полвон, ундай деманг. Жонузоқ ферма ёлғон айтмагич эди...

... Усмон полвон эгарга зинкайиб ўтириб, жийронни тошйўлга солди. От тўёқлари жарангига сел бўлиб, Малик домни ҳам, Жонузоқ фермани ҳам унутди.

Йўл ёқасидаги четан девордан бўлиққина аёл ҳимарилиб, ийманибгина кўчага назар солганда, Усмон полвон дўриллаб хиргойи қилиб кетарди:

— Олмача анорингга балли!

БИР СИҚИМ ТУПРОҚ

Митти роман

Исохон бой билан Мухтор чиноқ бадавлатликда бир-биридан қолишмас, оралари ҳам қалин эди. Султонхон билан Орзигулнинг бошини икки қилиб қўйиш ниятлари ҳам йўқ эмасди. Шўролар хукумати тузилди-ю Мухтор чиноқ қизиллар хизматига ўтиб кетди. Аввали раислик қилди, кейин учликнинг бири бўлиб, мана-мен дегувчиларнинг ҳам тиззасига титроқ солди. Аслида Мухтор чиноқ советларга қарши эди. Зимдан бир-икки иш ҳам кўрсатди. Лекин, эсингни борида этагингни йиғ, деганларидек, шамолнинг эсишига қараб шартта тескари ўзгарди. Ғойибона ишларидан фақат Исохонбой хабардор эканлигидан хавфсираб, биринчи бўлиб Исохонбойни сотди. Ўзи қилган ишларни ҳам унга тўнкаб ўтиб кетди. Бу билан ҳам қаноатланмай, уни ёмонотлиқ қилиш, қулоққа чиқариб, Сибирга сургунга юбориш учун жон-жаҳди билан киришди. Бойнинг катта хотини Сапия сатангни ўзига оғдириб, унинг қўли билан анча-мунча беобру қилди: баччабоз деган носоғ орттирди.

Исохон бой ҳарқалай ҳийла заковатли, ер остида илон юрса сезгувчилардан эди. Тўқол хотини Қоракўз сулув, катта хотинидан бўлган фарзандлари Робия ва Азамат, кенжа ўғли Султонхон ва икки чоракорини олиб бир кечада Гарашани тарк этди. Бахмал ёқалаб Панжакент орқали Афғонни мўлжаллади.

Эшакўлди қиридан ошиб камарга тушганида, от жиловини тортди:

— Элу юртдан диёнат кўтарилди. Юрт тақдири кофирлару ялангоёқларга қолди. Аҳли аёлим, фарзандларим, сизларни ўйлаб хорижга кетишни ихтиёр қилдим. Лекин, худо хоҳласа, албатта қайтиб

6

келамиз. Ўзбек ҳеч қачон ўз ихтиёри билан ўчоғини совутиб, киндик қони тўкилган, туғилиб ўсган тупроғини ташлаб кетган эмас. Иншооллоҳ, қайтурмиз, —деди. Гап шу ерга келганда овози титраб кетди.

Саман қашқага кўркамгина ўтириб олган Султонхон ой ёруғида падари бузрукворининг юзидан ялтираб ёш думалаганини пайқаб кўнгли бир хил бўлди.

— Энди ҳаялламайлик. Тун бўйи йўл юрамиз. Уйқу зўр келса уловда мизғийверамиз. Омин, худо ўз паноҳига олсин!

Тонг гира-шира ёришганда олти отлиқ Панжакент тоғларидаги хилват дарага етиб келишган эди. Мудраб келаётган қочқинларни Қоракўз сулувнинг хавотирли овози сескантириб юборди:

— Тўхтанглар! Султонхон қани?

Аввалига эркак-аёл демай, ҳаммаси дара тепасига югуриб чиқиб, узоқ-яқинга қараб келишди. Исохонбой ўзини тутолмай, икки чоракорини чапаничасига сўкиб юборди.

— Ишонганим Султонхон эди! Водариғ, ишонган қулоним хиёнат қилди, — Бой кафти билан қундуз телпагини чангаллаб инграб юборди. Юзи тундлашди. — Йўлга чиқдик. Қайтиш йўқ! Тақдирда борини кўрурмиз!

***

Султонхон Орзигул билан мевазор боғ этагида тарвақайлаб ётган ёнғоқ остида ҳамишагидек хуфтон пайти учрашди. Оқ ҳарир кўйлак устидан беқасам нимча кийган, бошига қизил дурра тангиган Орзигул чопқиллаганча келиб, Султонхон кўксига билаклари устидан бош қўйди:

— Худога шукр, ташлаб кетдингиз деб юрагим нақ тўхтаб қолай деди, Хон ака!

Султонхон Орзигулни бағрига босиб майин жилмайди. Аммо юзлари сўлғин, чеҳрасига чуқур изтироб соя солиб турарди:

— Қандай кетай. Севгимни, юрагимни ташлаб қандай кетай? Шовуллаб турган Ғарашасой, чирилдоқлар чириллаб минг хил наво қилиб турган тиниқ ёз кечалари, болалигим овози жаранглаб турган қадрдон уйимизни қандай ташлаб кетай, Гулижон? Отам-онам иложсиз кетдилар. Худо хоҳласа, бир ёруғ кунлар келса, улар билан дийдор кўриш насиб этар! Отамлар албатта қайтиб келамиз дедилар.

***

Икки ёш кейинроқ Султонхоннинг уйларида пинҳона кўришади-

(Давоми 4-бетда).

7

Шунақасиям бўлади

ТЎРТ МАРТА УЧ ЭГИЗАК КЎРДИ

АВСТРАЛИЯ. *Жеральдтонда ҳақиқий қаҳрамон она яшайди. 36 яшарлик Анна Морис етти йилда тўрт марта 3 нафар эгизак фарзанд кўрди. Ҳатто австралиялик тиббиётчилар ҳам бу қувончли воқеадан ёқа ушлашяпти. «Фавқулодда ҳолат» дейишмоқда улар.*

Статистик маълумотларга қараганда, бундай кетма-кет эгизакли бўлиш 6 миллион туғилишда бир марта учрайдиган фавқулодда ҳодиса экан.

ЮМШОҚ «ҚЎНИШ»

ШВЕЦИЯ. *Ослолик такасалтанг Ройо «буюк сакраш» қилди. У 18 қаватли уйнинг охирги қавати балконидан ерга қулади. Лекин Ройонинг бирор жойи лат емади. Юмшоқ «қўнди». Ақл бовар қилмайди. Уй хўжайини Стен Андерсоннинг айтишича, ишёқмас йигит хушидан кетиб, бурнидан бироз қон кепти, холос.*

Бир неча соатдан сўнг эса гўё ҳеч нарса кўрмагандек ўрнидан туриб, бамайлихотир уйига кириб кетибди.

Ўзбекистон — Япония:

ИҚТИСОДИЁТГА САРМОЯ АЖРАТИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Кейинги пайтда Ўзбекистон-Япония ўртасидаги алоқалар, шу жумладан иқтисодий ҳамкорлик кенгайиб бормоқда. Япония ишбилармонлари мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятига ишонган ҳолда Ўзбекистон халқ хўжалигининг турли соҳаларига сармоя ажратишни кўпайтириб, ўзаро ҳамкорлик муносабатларини янги босқичга олиб чиқишмоқда. Ҳозирга келиб Япония ҳукумати ОДА (ривожланишга расмий ёрдам) дастури доирасида Ўзбекистон Республикасига ёрдам бериш лойиҳасини амалга оширмоқда. Шу йилнинг 14 июнь куни Тошкентда Ўзбекистон ҳукумати ва OECF (хорижий иқтисодий ҳамкорлик жамғармаси) ўртасида битим имзоланиб, жамғарма юртимиздаги телекоммуникация тармоқларини таъмирлаш бўйича лойиҳани амалга оширишда 12,7 миллиард йен (қарийб 140 миллион АҚШ доллари) миқдорида кредит ажратадиган бўлди. Японияннинг «NTT» фирмаси билан бирга зарур қурилмаларни Ўзбекистонга олиб келиш бўйича тендер ўтказилди. Ушбу лойиҳани 1999 йил якунлаш режалаштирилган. Бундан ташқари OECF билан Тошкент шаҳридаги вагон-ремонт заводини қуришга 6,1 миллиард йен ажратиш бўйича қарз битими имзоланган. Ҳозирги пайтда «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акционерлик компанияси билан Япония транспорт маслаҳат компанияси ўртасида маслаҳат хизматлари кўрсатиш бўйича битимни имзолаш кўзда тутиляпти.

Шу йилнинг 27 августида Токио шаҳрида юқоридаги жамғарма вакиллари ҳамда Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Молия вазирлиги ва «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси иштирокида Самарқанд, Бухоро ва Урганчдаги аэропортларни замонавий жиҳозлар билан таъмирлаш борасида кредит битими муҳокама қилинди. Бу юмуш учун 15,5 миллиард йен сарфлашга келишиб олинган.

Японияннинг «Марубени корпорейшн» ва АҚШнинг «ДАІ» фирмаси Бухоро вилояти ҳокимияти билан вилоятдаги ирригация — дренаж тизимини такомиллаштириш бўйича умумий миқдори 100 миллион АҚШ долларига тенг бўлган лойиҳа таклифини тайёрлашди. Бундан ташқари OECF экспертлари даражасида «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси иштирокида Тошкент шаҳрида янги халқаро аэропорт қуриш лойиҳаси маъқулланди. Япония ишбилармонлари Ўзбекистоннинг тарихий шаҳарларида замонавий меҳмонхоналар қуриш борасида «Ўзбектуризм» миллий компанияси билан тегишли лойиҳаларни кўриб чиқмоқдалар.

Маълумки, Ўзбекистон ер ости ва устки маъданларга бой юрт ҳисобланади. Айниқса, мамлакатимиздаги йирик нефть конлари хорижликлар эътиборини тортмоқда. Бу жараёндан Япония ишбилармонлари ҳам четда турмай Ўзбекистон нефть конларига сармоя ажратишни маъқул, деб топишяпти. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки ва Японияннинг Экспорт-импорт банки Кўкдумалоқ нефть-газ конидаги газ компрессори станциясини қуришга қарийб 105,51 миллион АҚШ доллари миқдорида кредит ажратиш бўйича битимни имзолади. Айни пайтда Япония томони билан Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи қурилиши учун ҳамда Фарғона нефтни қайта ишлаш заводини таъмирлаш учун маблағ ажратиш лойиҳалари кўриб чиқилиб, тасдиқланган. Шунингдек, Японияннинг «Экзимбанки» билан Шўртан газ-кимё комплексида полиэтилен ишлаб чиқарувчи корхона қурилишини молиявий қўллаб-қувватлаш таклифи олинди. Ҳозирча лойиҳа қайта ишлаш жараёнида турибди.

Ўзбекистон Молия вазирлигининг Япония Молия вазирлиги билан ҳамкорлиги дастури бўйича молия ва банк тизими соҳасидаги мутахассислар учун бир қатор семинарлар Япония ва Ўзбекистонда ўтказиб турилибди. Ушбу семинарларда макроиқтисодий муносабатлар, Япония иқтисодиётининг урушдан кейинги ривожи, молия ва банк тизими ҳамда қимматли қоғозлар бозори янгиликлари муҳокама қилинмоқда.

Умуман олганда, Ўзбекистон ва Япония иқтисодий ҳамкорлиги янги босқичга чиқмоқда. Бунда ҳам Ўзбекистон, ҳам Япония томонидан ишбилармонларнинг ўзаро манфаатли алоқаларни йўлга қўяётганлиги муҳим аҳамият касб этмоқда.

Аслиддин БОЛИЕВ.



Япония манзаралари.

ЎзА олган сурат.

ҚИЛА ОЛСАНГ ШОД...

меҳмонхонаси ҳақида шахсий мулоҳазалар

ҳам беради дейишади. Ёки, катта оилалар борида борича яшашга, йўғида қаноат қилишга ўрганиб қолишган. Етишмовчиликдан нолиш негадир ёлғизларга хос хусусият. Кўпинча ёлғизлар ёрдам сўраб мурожаат қилишади. Ёлғизларнинг норозилиги Россияда яқ-қолроқ кўзга ташланяпти. Намойишчилар сафида бақириб-чақириб юрган чоллар, кампирлар, жувонлар «биз ёлғизмиз, ҳукумат ҳолимиздан хабар олмаяпти!» деб хитоб қилишади. Ваҳоланки, улар бошқалардан кўра дурустроқ иш ҳақи ёки пенсия олишлари мумкин. Бундай ҳолат бизда ҳам бор. Нега биров ўнта боласини ҳам боқаётганида бошқа биров битта ўзини ҳам боқа олмайди?

Мана, сизга бир мисол. Мен анча ёшга бориб қолган бир аёлни танийман. Уй шароитини яхши билмайман, лекин иш юзасидан таниш бўлганимиз учун кўрганда саломлашишни канда қилмаймиз. Бир куни у кўчада дуч келганида ҳаётдан нолиб қолди.

— Яшаш жуда оғирлашиб кетди, маошимни ҳеч нарсага етказа олмаяпман, — деди у хуноб бўлиб.

— Қанча маош оласан? — сўрадим ундан.

— Ойлик мукофоти-ю қўшимчаси билан 4900 сўм.

— Шу озми?

— Албатта, оз.

— Оилада қанча кишисизлар?

— Бир ўзим. Онам бор эди, уч йил олдин вафот этди. Ўғлим мени ташлаб Россияга кетиб қолган. Олдин онамнинг пенсияси билан бир амаллаб етказардик. Ҳозир... билсанг агар... бошим қотиб қолди. Ҳалиям мушугимга сметана, булдогимга колбаса олмай қўйдим, хом гўшт олиб қовуриб беряпман.

Ҳайратдан шундай дедим:

— Гўшт қовуриб бергандан кўра итингга ўзингдан қолган овқатни берақолмайсанми?

— Қанақасига, — деди танишим қизишиб, — ахир у мени қўриқлаяпти-ку! Ўзим емасам ҳам унга гўшт топиб бераман.

— Мушугинггачи?

— Уч маҳал сут илитиб булочка тўғраб бераман.

— У сени қўриқламайди-ку?

— Тўғри, лекин овунчоқ. Овқатланаётган пайтда силаб ўтирсам ўзимни ёлғиз ҳис қилмайман.

Унга «маошинг етмаётган бўлса қўриқчинг билан овунчоғингни ҳам ишга жойлаб қўй», деб луқма ташлагим келди-ю, бироқ ёлғизлик азобига гирифтор бўлиб бораётган одамнинг дилини оғритишдан ўзимни тийиб турдим.

«Труд» газетасида босилган «Итлар меҳмонхонаси» сарлавҳали (1996 йил, 19 октябрь) хабарни ўқиган одам булдогга гўшт қовуриб бериш ҳақидаги луқма ҳам гапми дейиши аниқ. Хабарда айтилишича, Пермь шаҳрида итлар учун меҳмонхона очилибди. Командировка ёки дам олишга жўнамоқчи бўлганлар ўз итларини бемалол меҳмонхонага жойлаштириб кетишлари мумкин. Итнинг катта-кичиклигига қараб эгаси бир кунга 25 минг рублдан 40 минг рублгача ҳақ тўлайди. Энг муҳими, итлар кунига икки маҳал овқатлантирилиб, уч маҳал сайр қилдирилади. Россияда миллионлаб одамлар ойлик иш ҳақларини ололмай, оч-наҳор намойиш ва митингларга чиқиб, иш ташлаб, очлик эълон қилиб турган бир пайтда итларга бунчалик иззат-икром кўрсатилаётганлигидан халқ ҳайратланса керак. Ёлғизлик азобидан зорланиб қариялар уйига жойлаша олмай юрган бабулялар, дедулялар-чи? Бир бурда нонга зор уйсиз-жойсиз дайдилар-у фарзандлари юз ўгирган қаровсиз ота-оналарчи? Бу саволларга маънавиятдан жавоб майди. Қариб мункиллаб қолган ота ёки онани қариялар уйига топшириш ҳам фарзанд шаънига ярашмайди.

Орамизда ноқобил фарзанд доғида куйиб, ёлғизликда яшаётган қариялар йўқ эмас, бор. Бироқ улар ёлғиз ташлаб қўйилмайди. Маҳалла-кўй, таниш-билиш, қариндош-уруғ улардан хабар олиб туриши ўзбекчиликка хос хислат. Ҳали ўлганда кўмилмай қолган ўзбек ҳақида эшитганимиз йўқ.

Ёлғиз яшашни ҳеч қачон фахр деб ёки ҳаёт мезони деб билмаслик керак. Ёлғизлик — бу аввало ҳар қандай инсон учун фожиа. Бунинг олдини олишнинг йўллари кўп. Илгари замонда ҳеч қачон кампири ўлган чол ёки чоли ўлган кампир ёлғиз яшамаган. Ҳамиша бевага шерик топилган. Айниқса, отасига совчиликка борган фарзандлар кўп бўлган. Бунинг айби йўқ, мусулмон маънавияти шуни талаб қилган. Бобо-момолар неваралардан ҳоли яшай олишмаган. Қарияси ҳам, гўдаги ҳам бор уй фариштали уй. Буни келинкуёвлар, фарзандлар унутмасликлари керак. Имкони бўлса бировнинг боласини фарзандликка олиш ҳам ёлғизлик азобига малҳам бўлади. Етимларга бундай меҳр-мурувват кўрсатиш маънавиятимизга хос савоб иш.

Умар Ҳайём «Ғариб кўнглини қила олсанг шод, яхшидир ер юзини қилгандан обод» деб бежиз айтмаган. Ёлғизлар кўнгли ғариб кишилардир. Шунинг учун уларни ёлғиз қолдирмайлик. Мана бу ҳадисни эсланг. Тангри қиёмат куни айтади: «Эй инсон фарзанди! Бетоб бўлдим, мени келиб кўрмадинг». У одам айтади: «Эй раббим, Сен бутун оламнинг Парвардигори бўла туриб, мен сени қандай кўришим мумкин эди?» Тангри айтадики: «Фалончи одамни бетоблигида бориб кўрмадинг-ку, агар борганингда унинг олдида мени топган бўлур эдинг». Тангри айтади: «Эй инсон фарзанди! Ўзинг овқатландинг, аммо мени йўқламадинг». Одам айтади: «Эй раббим, сен бутун оламнинг подшоҳи бўлсанг-ку, мен сени қандай овқатлантиришим мумкин эди?» Тангри айтадики: «Фалон бандам муҳтож бўлиб олдингга борганида, сен унинг ҳожатини раво қилмадинг. Агар раво қилганингда эди, ўша ерда мени топган бўлар эдинг».

Меҳр-мурувват ғояси билан суғорилган бу ҳадис ислом фалсафасида инсонийлик мезонларидан бири бўлиб, мусулмон оламининг маънавий меросига айланиб қолган. Ёлғиз ва ғариб кишилар ҳолидан хабар олиш ва муҳтожларга ёрдам бериш билан миллий маънавиятимизнинг афзаллигини кўрсатайлик. Оллоҳ ҳеч кимни ёлғизлик азобига дучор қилмасин.

Иброҳим НОРМАТОВ.

Обуначи бурчаги

СОЗСОЙ ҲАНГОМАЛАРИ

Чортоқ туманида Созсой деган кичкина қишлоқ бор. Менга қўйса бу қишлоқнинг номини Чапани қишлоқ деб атардим. Негаки, қишлоқнинг созгина сойи йўқ, бироқ чапани одамлари кўп. Ҳатто қишлоқнинг ўзи ҳам чапани, яъни 200 метр пастдаги маҳалладагилар сувдан безор - томорқаларини сув қоплаб ётади, тепадаги маҳалла эса сувга зор - ерлари қовжираб ётади. Созсой кичкина қишлоқ бўлса-да, лекин ҳангомалари мингта пишлоқ қуввати тенг кулги бахшида этса ажаб эмас.

ЎҒИРЛАНГАН КАРТИНА

(Жумбоқ)

Кечки соат тўққиз. Лекин инспектор Вернер ҳалиям ўз хонасида ишлаб ўтирарди. Ишини якунлаб, уйига қайтиш учун йиғинаётганда унга телеграмма ташлаб кетишди. Унда шундай жумлалар бор эди: «Бугун музейдан Рембрандт картинаси ўғирланади».

Инспектор зудлик билан йўлга тушди. У музейга етиб келганида барибир кечикканлигини пайқади. Деворда қуруқ рамканинг ўзи осиғлиқ турарди. Полотно эса кесиб кетилганди. Вернер музей залида ёшгина жувонни ва фаррошни учратди. Инспектор ўзини — полициядан деб таништирди. Маълум бўлишича, ёш жувон музей маъмури экан. Бундан бир неча дақиқа аввал фаррош кампир жувонга музейнинг энг қимматбаҳо картинаси йўқолганлигини айтибди.

— Картина йўқолганлигини қачон пайқадингиз? — сўради Вернер фаррошдан.

— Бундан ўн минутлар аввал, — ташвиш билан жавоб берди кампир.

Маълум бўлишича, икки соат аввал музей ёпилган ва эртага эрталаб очилиши керак эди.

Фаррош залдан чиқиб кетаётганда, ўқиётган китобини унутиб қолдирганини эслаб қолади ва уйда ўқиб охирлатиш илинжида ортига қайтади. Шунда рамканинг қуруқ турганлигини кўради. Ваҳоланки, музейни ёпишдан олдин картинанинг чангини бир сидра артган эди.

Инспектор фаррошни сўроқлаб бўлганидан сўнг, музей маъмурига юзланди.

— Сиз бу воқеа тўғрисида қандай фикрдасиз?

Жувон бундай деди:

— Менимча, картинани қандайдир омироқ киши ўғирлаган, телеграммани ҳам ўғрининг ўзи жўнатган. Чунки ўзининг шу арзимас иши билан катта шовшув уйғотмоқчи бўлгандир. Ахир бундай ҳодисалар сиз изқуварларнинг ишингизда неча бор кузатилган бўлса ажаб эмас.

Жувон гапини тамомлагач, Вернер деди:

— Вазият шуни тақозо этмоқдаки, ўғриликни иккалангиздан бирингиз — ё фаррош, ё сиз қилгансиз! Лекин шуни аниқ таъкидлай оламанки, ким жиноятга қўл урганлиги менга маълум.

Инспектор Вернер фикрича, ўғри ким?

БОШҚА БУНАҚА ЖОЙ ЙЎҚ

Бундан бир неча йил муқаддам Сувонқул ака янги кажавали мотоцикл сотиб олганди. Бир куни ота-онаси узоққа меҳмондорчиликка боришларига тўғри келиб қолибди. Бориш учун улов бор, бироқ яхши ҳайдовчи йўқ. Сувонқул ака мотоцикл ҳайдашни билади, аммо йўлда нуқул ишкал чиқариб юради. Шунинг учун кампир-чол унинг мотоцикл ҳайдашидан юрак олдириб қўйишган. Буни Сувонқул ака ҳам яхши билади. Шундай бўлса-да:

— Мана, мен олиб бориб келаман-да, — деди мақтаниб.

Аввалига кампир-чол қўнишмади, лекин...

Эрталаб йўлга тушишди. Уч киши ғизиллаганча мотоциклда кетишмоқда эди. Бир маҳал тракторни қувиб ўтаётувди рўпарадан «КаМАЗ» чиқиб қолди. Йўл чети сув тўла катта зовур эди. Яхшиямки, йўл четига кимдир бир машина «янги» тупроқ тўктириб қўйган экан. Сувонқул ака нима қиларини билмай рулни шунга қарата бурди ва тупроққа шўнғиб кириб кетишди. Бир маҳал кампир-чол кийим-кечагию, юз-кўзи тупроққа тўлиб, қойинганларича тупроқдан чиқишди. Яхшиям шу тупроқ борлигига шукр қилишибди, акс-ҳолда... Улар пиёда ортга қайта бошлашди. Шунда Сувонқул ака:

— Қани мотоциклга ўтиринглар, мободо яна шунақа воқеа такрорланадиган бўлса, йўлнинг бу ёғида фақат зовурлар бор, холос, бунақа уюлган тупроқлар йўқ, — деди.

ЮҚОРИДАН КОМИССИЯ КЕЛАДИ

Холбек лавозимга янги «ўтирган» пайт эди. Энди у оддий ишчи эмас, мастер — ўнта-ўн бешта одамга бошлиқ. «Буни «ювиш» керак», деди ҳамкасби Бозорбой. Бу гапни бошқалар ҳам айтишди. Холбек «хўп» деди-да, юраверди. Бир куни Бозорбой ишдан сўнг Холбекни зўр зиёфатга таклиф қилди.

— Мансабингизни сиз «ювмасангиз», мана биз — ҳамкасбларингиз ювиб берамиз. Энди биз учун сиз жон куйдирасиз. Шундай экан, сиз учун биз ҳам озгина жон койитиб қўяйлик, — деди Бозорбой.

Зиёфат зўр бўлди. Иккита семиз куркани паққос туширишди, ошни «уришди», ароқ-пароқларни «карнай қилиб» кўтаришди. Кечқурун алламаҳалда тарқалишди. Холбек гандираклаганча уйига зўрға етиб келди ва хотинига мақтанди:

— Кўрдингми, хотин, одамларим мени ҳурмат қилишади, бугун мастерлигимни «ювиб» беришди.

— Дарвоқе, юқоридан келган комиссияларингизни яхши кузатиб олдингизларми? — деди хотини Гулмира.

— Қанақа комиссия, ким айтди?

— Ахир эрталаб сиз ишга кетганингиздан кейин Бозорбой ҳамкасбингиз келиб, юқоридан комиссия келаркан, иккита куркани пишириб, ош-пош қилиб турарксиз, ароқ-пароғиниям айтди. Ишдан сўнг келиб олиб кетарканман, деди. Шунга айтганларини тайёрлаб бериб юборувдим.

— Нима, йўғ-е?! — Холбекнинг кайфи бир зумда тарқаб кетди.

БРИЛЛИАНТЛИ УЗУК

(Жумбоқ)

Заргарлик дўконининг хўжайини зудлик билан инспекторни чақиртирди ва қуйидагиларни айтди:

— Менинг заргарлик дўконим бугун одатдагидан кечроқ очилди, чунки сотувчи янги йил байрамига уч кунлик муҳлат билан шаҳардан жўнаб кетганди, бугун эса ушланиб қолибди кеч келди.

Дўкон очилишидан сўнг бир қанча дақиқалар ўтгач, бу ерга ўрта бўй, шляпалик харидор кирди. Сотувчи унга диққатини оширганлиги маълум, чунки у биринчи харидор эди. Харидор олтин соатларни кўрсатишни сўради.

Сотувчи соатли витринани очган эди. Харидор қандайдир соатни олди-да, қўлида айлантириб кўрди, баҳосини сўради, лекин ҳеч нарса олмасдан чиқиб кетди. У чиқиб кетгандан сўнг витринада бриллиантли узукнинг йўқ бўлиб қолганлигини кўрдик.

Мен сизни ўша заҳотиёқ чақирдим, бинобарин, йўқолган узук жуда қиммат туради. Бу ишни ўта тажрибали одам қилганлигига шак-шубҳа йўқ.

Инспектор Вернер сотувчидан харидор қандай кўринишда эканлигини ва бошқа-бошқаларни ипидан-игнасигача суриштирди. Сўнг деди:

— Агар буни «мутахассис»лардан бири қилган бўлса, улар бармоқларининг изи бизда бор. Бармоқлар изи сизнинг магазинингиздаҳам қолган бўлса, ажаб эмас. У ушлаб кўрган соат қайси бири?

Сотувчи иккиланиб қолди.

— Билмайман, чунки бари олтин соатлар деярли бир хил. Харидорлар ҳаммасини ушлаб кўришади. Ҳаммасидаям бармоқлар изини топиш мумкин.

— Йўқ, менимча ўғрини излаб топиш узоққа чўзилмайди деб ўйлайман, — деди ишонч билан Вернер. У соатлар турган витринани эҳтиёткорлик билан очди ва битта соатни пинцетга қистириб олдида: «Мана, у!» деди.

Инспектор ўғри ушлаб кўрган соатни қандай қилиб топди?

«Обуначи бурчаги» материалларини Алимқул СУЛТОНОВ саралади.

Футбол

ОВРЎПАГА ТАҚЛИД ҚИЛМАЙ

Бирлашган Араб Амирликларининг уч шаҳрида Осиё кубоги учун курашаётган 12 жамоа ўртасида ўтказилаётган саралаш ўйинлари бугун якунланади. Ҳар бир мамлакат терма жамоаси ўз гуруҳида фахрли ўринни эгаллаб, курашни давом эттириш имкониятини қўлга киритишга зўр бермоқда. «А» гуруҳида чорак финалга чиққан жамоалар маълум бўлди. БАА футболчилари навбатдаги ғалабадан кейин очколарини 7 тага етказишди. Лекин Корея футболчиларининг Қувайт жамоасидан енгилишини ҳеч ким кутмаган эди. Қувайт футболчилари тўплар нисбатига кўра иккинчи ўринни эгаллаб, тўғридан-тўғри чорак финалга йўлланма олишди.

«В» гуруҳида сўнгги саралаш ўйинлари кеча ўтказилди. Бу гуруҳда Саудия Арабистони футболчилари муддатидан олдин курашнинг навбатдаги босқичига чиқишган. Иккинчи ўринга Эрон ва Ироқ футболчилари талабгорлик қилишмоқда. «С» гуруҳида ҳам вазият ўзгача. Хусусан, Япония футболчилари барвақт курашни давом эттиришга эришдилар. Зеро, ҳамюртларимизнинг кутилмаганда имкониятни бой беришлари мухлисларни ранжитди. БИ-БИ-СИ мухбирининг саволига жавоб берган футболчиларимиз устози Баҳодир Иброҳимовнинг фикрига қараганда, ўйинчиларимиз Хитой терма жамоаси устидан эришилган ғалабадан кейин хотиржамликка берилишганмиш.

Ваҳоланки, кубок учун курашда иштирок этаётган жамоалар ҳаракатида ўзига хос маҳорат, малака ва услуб кўзга ташланмоқда. Айниқса, Саудия Арабистони, БАА, Япония футболчиларининг тўп ошириш, нишонга олиш ва ҳужумкорликларида Овруپа ўйинларига тақлид қилинмаётгани кўринмоқда. Начора, мухлислар ўртасида тўп юмалоқ, дарвоза тор, деган ибора бор. Ҳарна бўлса-да ҳам футболчиларимизнинг сўнгги саралаш учрашувларига умид боғлашяпти.

Гуруҳлардаги ҳолат:

«А» гуруҳи

БАА-Корея — 1:1, Индонезия-Қувайт — 2:2, Корея-Индонезия — 4:2, Қувайт-БАА — 2:3, БАА-Индонезия — 2:0, Қувайт-Корея — 2:0.

	Ю	Д	М	Т	О
БАА	2	1	0	6-3	7
Қувайт	1	1	1	6-5	4
Корея	1	1	1	5-5	4
Индонезия	0	1	2	4-8	1

«В» гуруҳи

Саудия Арабистони-Таиланд — 6:0, Эрон-Ироқ — 1:2, Таиланд-Эрон — 1:3, Ироқ-Саудия Арабистони — 0:1, Саудия Арабистони-Эрон, Ироқ-Таиланд.

С. Араб.	2	0	0	7-0	6
Эрон	1	0	1	4-3	3
Ироқ	1	0	1	2-2	3
Таиланд	0	0	2	1-9	0

«С» гуруҳи

Ўзбекистон-Хитой — 2:0, Сурия-Япония —1:2, Япония-Ўзбекистон — 4:0, Хитой-Сурия — 3:0, Ўзбекистон-Сурия, Хитой-Япония.

Япония	2	0	0	6-1	6
Хитой	1	0	1	3-2	3
Ўзбекистон	1	0	1	2-4	3
Сурия	0	0	2	1-5	0

15 декабрь куни чорак финал ўйинлари бўлса, 18 декабрда ярим финал, 21 декабрда ҳал қилувчи учрашув ўтказилади.

Ҳайдар НОСИРОВ.

Тошкентда шаҳат Сирғали туманидаги 10-туғруқхона шифокорлари соғлом авлод дунёга келиши ва улғайиши учун бутун куч ва маҳоратлари, тажриба ва билимларини аяшмаяпти.

СУРАТДА: бош врач ўринбосари Маҳмуда Шукурова (ўртада) ҳамкасблари Софья Автухова ва Софья Золотарёвалар билан.

Ўктам ШАРИПОВ олган сурат.

АО «ВТОРЦВЕТМЕТ» ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ФИРМАСИ ПРОИЗВОДСТВЕННАЯ ФИРМА НОВАТОР
Юқори сифатли ва жаҳон андозаларига мос бўлган эмал симларни ҳамда турли автомобиллар — "ВАЗ", "ГАЗ", "ЗИЛ", "ЗАЗ", "Москвич" ларнинг поршенларини ишлаб чиқарувчи, МДҲ ва Ўзбекистон бозорларида пешқадам ҳисобланмиш
"НОВАТОР" фирмаси
дилер ва ҳамкорларни ҳамкорликка чорлайди.
Келишилган нархлар ва Ўзбекистон бозорларида маҳсулотларимизга бўлган талаб сизга кенг имкониятлар яратади.
Мурожаат учун телефонлар: (3712) 57-44-30, 57-78-55, 57-43-00. Факс: (3712) 58-69-70.

Производственная фирма "НОВАТОР" АО "УЗВТОРЦВЕТМЕТ"
реализует:
автомобили "Газель" (ГАЗ — 330210 грузовой вариант с тентом)

автомобильные поршни всех моделей и всех ремонтных размеров.
Производит эмаль-провод марки ПЕТВ — 2 и по заказу клиента производит фрионостойкий эмаль-провод марки ПЭФ — 155 для ремонта холодильных установок.
Телефон для справок: (3712) 57-43-00, 57-78-55, 57-44-30. Факс: 58-69-70.

ЎЗБЕКЧИЛИК

(Давоми. Боши 1-2-3-бетларда).

ган бўлишди. Бир кеча улар бетийиқ эҳтиросга эрк беришди. Бунга бир томондан қайноқ ёшлик муҳаббати, иккинчи томондан Орзигулга район партячейкаси биринчи котибининг ўғлидан совчи келаётганлиги сабаб бўлди.

Воқеадан хабар топган Мухтор чиноқ хотини Шарофатхонни ўласи қилиб калтаклаб тўшакка ётқизиб қўйди, қизини уч кун омборхонага ошсиз-сувсиз қамаб азоб берди. Беш-ўн кун ўтгач, «Қизимнинг ошқозонида ўсма пайдо бўлган экан, даволаниш учун кетди», деган баҳона билан Тошкентга, армиядош бир ошнасиникига жўнатиб юборди.

Шундан пича ўтиб, Ғарашани мудҳиш воқеа ларзага солди. Қуниқўшнилар Султонхонни уйда чавақланган ҳолда топишди! Уй ичи ағдар-тўнтар қилиб ташланган, ашқол-дашқоллар ер билан битта бўлиб сочилиб ётарди. Мухтор чиноқнинг одамлари «Отасининг яшириб қўйилган тиллосини қидириб, ўғрилар тушган экан. Сезиб қолганини билишиб, чавақлаб кетишибди», деган гап тарқатишди.

***

— Эл-юрт кезган бир ғарибман. Оллоҳ йўлида хайру садақа қилинг. Садақа балони қайтарар!

Эллигинчи йиллар ўрталарида пайдо бўлган, мош-гуруч соқоли кўксини қоплаган, чап кўзи оқиб тушган, ўнг кўзи шилпиқ, ҳилпираб қолган девонани ғарашаликлар ҳар доим келиб-кетиб юрадиган гадойлардан бири сифатида эътиборсиз қабул қилишди. Аммо ўзини Худойберди жаҳонгашта деб таништирган бу девона муқим бўлиб қолди. Чол бўлса-да, қувваси ҳофизасининг кучлилиги, ерлик одамлар ҳаёти-ю кечмиши ҳақида икир-чикиригача билиб олганлиги туфайли одамларда меҳр ва шафқат уйғотди. У кундуз кунлари гоҳ садақа йиғар, гоҳ тирноқсиз-тувғонсиз кишиларнинг енгилелпи юмушларини бажарар, кечалари хонақохда тунар эди.

Худойберди жаҳонгаштанинг биринчи билгани шу бўлдики, Мухтор чиноқ деган раис одамларга кўп зуғум ўтказибди. Охири давлат мулкини талон-торож қилишда айбланиб, қамалиб кетибди. Ал қасосил минал ҳақ, деганларидек, ўзи ноҳақ кесдириб юборган Қорақул қароқчининг эгизак ўғиллари Ҳасан, Ҳусан билан Сибирдаги турмада бир хонага тушибди. Ака-укалардан калтак еб, мияси чайқалиб, уч кун тинмай қусиб, тўртинчи куни жони узилибди. Ўлиги ўша ёқларда қолиб кетибди.

Яна шу нарсани билдики, Мухтор чиноқнинг қизи Орзигул Тошкентда Султонхондан қўчқордай ўғил кўрибди. Отини Исохон қўйиб-

8

ди. Лекин бола беш ёшида онадан етим қолибди. Исохонни етимхонага топшириб юборишибди. Бола онасининг Самарқанд томондаги тоғ қишлоқларидан бирида туғилганидан бошқа ҳеч нарсани билмас экан.

Ҳа, айтганча, Султонхонни отасининг тиллолари учун ўғрилар чавақлаб кетишибди.

***

— Султонхоним, жоним болам, сени изимда қолгувчи чироғим, деб билган эдим. Ўшанда биздан айрилиб қишлоққа қайтиб кетганингда сендан жуда хафа бўлдим. Онанг бечора, айниқса қаттиқ куйди. Мозори Шарифга етгунимизча уввос тортиб, қон йиғлаб борди. Ҳарчанд кўнглига қарасак ҳам ўзига келмади. Бир йил саргардонликдан сўнг ўз қўлим билан бегона тупроққа қўйдим. Шунда сен она юртимизни ташлаб кетмай тўғри қилганингни тушундим. Ўз элимда илдизим қолди, деб кўнглим таскин топди. Бориб ўғлимни озод кўрайин деган илинжда аканг Азамат билан Мадаминбекнинг миллий озодлик курашчилари сафига кирдик. Фарғона, Ўш томонларда сўнгги кучимиз қолгунча қизилларга қарши курашдик.

Бир куни тоғ орасидаги Бўрижарнинг икки қирғоғида юзма-юз туриб қолдик. Қояга бекиниб пойлаймиз, бош кўтарганни мўлжаллаб ўқ узамиз. Қояга суяниб кўзим илинибди, чоғи, бир маҳал «Султонхон!» деб чақирган овоз юрагимни тиғдай кесиб ўтди. Қулоғимга шундай чалинди, шекилли, деб ўйлаб турганимда. Бўрижарнинг нариги томонидан яна «Султонхон!», деган овоз келди. Худо ҳаққи, сен деб ўйлаб танамга сиғмай севиндим. Кейин эса ўз фикримдан баданим музлаб кетди: Наҳотки, наҳотки ўз пушти камаримдан бино бўлган фарзандим ўзимга милтиқ ўқталиб турган бўлса?!

Чидолмадим. Сени худди ҳозир, шу дақиқа кўриб қолмасам, бошқа кўра олмайдигандек, ўлимни ҳам унутиб қоядан бош чиқардим. «Визз» этиб қояга урилган ўқ тошдан қайтиб чап кўзимни ялаб ўтди, ўнг кўзим шилпиқ бўлиб қолди.

Жоним болам, зинҳор таъна қиляпти деб ўйлама, жуда-жуда соғиниб кетган эдим, ахир! Нетай, шундай кўргиликлар тақдиримда бор экан. Энди, кўзларимнинг оқу қораси, зурёдим қабрини кўргандан кўра ўшанда икки кўзим оқиб тушса бўлмасмиди, деб жигарим эзилади. Эвоҳ, шундай синоатли экан бу дунё: юздан бир одамнинг кўзи кўр бўлса, қолган тўқсон тўққизининг қалб кўзи басир!

9

Жоним болам, ўша отишмадан сўнг аканг Азамат бедарак кетди. Омад биздан юз ўгиргач, узоқ йиллар ёт элларда саргардон умр кечирдим, лекин ўз юртимда кечган бир лаҳзачалик ҳузур-ҳаловат кўрмадим, жоним болам.

Опанг Робияхонимни Мозори шарифлик ўзбек савдогар бойларидан бирининг ўғлига турмушга бердим. Эркимиз учун бўлган уч йиллик курашлардан қайтиб, уларни топа олмадим. Тижорат ишлари билан Туркия томонларга кўчиб кетишибди.

Эҳ-ҳе, орадан қанча сувлар оқиб ўтди. Ота юртимда сенинг борлигинг кўнглимни бамисоли чироқдек ёритиб юрди. Нима қилиб бўлса ҳам юртимга борай, Султонхоним қўлида бандаликни бажо келтирай, деб беш вақт намозимда парвардигорга илтижолар қилдим. Оллоҳ муродимни ҳосил қилди. Аммо, водариғ, сени соғ-саломат кўриш, тўйиб-тўйиб бағримга босиш, набираларимни суюб-суюб эркалаш насиб этмади.

Мен келдим, Султонхон, жоним болам, эшитаяпсанми, сенинг ёнингга келдим. Шу табаррук тупроқни абадул-абад макон этгани келдим, эшитяпсанми, жоним болам! Шукр, худога минг қатла шукр, парвардигорим ёрлақаганига шукр!

***

Ҳамал ойининг ҳавода барра майсаларнинг намхуш иси анқиб қолган майин тонгларидан бирида бамдод намозидан қайтаётган икки киши шундоқ хонақоҳ ёнидаги хийла чўкиб ётган қабр устида кўлагани кўриб, сесканиб кетишди. «Ҳай-ҳай»лаб келиб туртиб кўришса: Худойберди жаҳонгашта. Қабр устида бир сиқим тупроқни чангаллаб ўлиб ётибди.

Марҳумни шу ерда, хонақоҳ биқинидаги ғуслхонада ювишди. Сайфулла ғассол мурдани ювиётиб, бир зум эсанкираб қолди. Илёс қорини чақириб, бир нарсалар деб шивирлади.

— Астағфурулло! — ёқасига туф-туф қилди қори. — Йўғ-е, ғассол, адашмаяпсанми?

— Ахир, бирга ўйнаб, бирга ўсганмиз. Ўнг кўкрагидаги кўндаланг тиртиқ пичоқ изидан қолган. Янаям ким билади, қори ака. Шу, Сапия кампирни чақирсак бўларди.

— Номаҳрамни-я?!

— Рост бўлса, номаҳрамлиги қолибдими, қори ака.

Илёс қори маъқул дегандек бош иргагач, бўз болалардан бири ҳаш-паш дегунча Сапия сатангни етаклаб келди.

Кампир ғусолхонага алланималарни пичирлаб, калима қайтариб кириб кетди. Хиёл ўтмай ичкаридан йиғи эшитилди:

— Вой, арслони-и-и-м! Ёт элларда сарсон бўлган арслон-е-е-м!

Саъдулла ҲАКИМ.

10

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Одилжон ОЛИМЖОНОВ, Ислом ШОҒУЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Осиё бозори» учун масъул), Владимир ЧЕБОТИН (бош муҳаррир ўринбосари — «Голос Узбекистана»), Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»), Александр ТЮРИКОВ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»).

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-07-20, 36-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 33-11-49, 36-54-06.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-20-36.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, 33-47-80.
факс — 33-54-55.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 24-16-48;
Бухородa — 3-54-87;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-22-90;
Тошкентда — 33-12-56;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 22-36-78;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Н. ЖАЛИЛ, навбатчи И. ҲАМРО.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120
•
Газета офсет усулида А—2 форматида 26.845 нусхада босилди
•
Ҳажми 2 босма табоқ
•
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
•
Г — 0694

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 21.00.
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА